

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 26 апрель сешанба № 17-18 (744-745)

e-mail: info@press-iq.uz www.minjust.uz

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!


Оққан дарё оқар — улуг қоида
Буюклик ҳамиша юртимга монанд.
Дунё тиз чўқмоқда бугун пойингда
Мозийга машъала тутган Самарқанд...

Жаҳонга қўр солган даҳолар юрти,
Қадримни фалакка элтиди Кўрагон...
Ҳар битта бобомнинг ҳар бир ўғити
Чин, Лондон, Парижу Римни сўраган...

Дунё таъзим айла! Қуёш қутлар шаън,
Илм чўққисидан ўзган Ўзбекни.
Ҳамон бармоғингда тақиб турибсан
Бобомиздан мерос қолган узукни.

Офтобни бошингга қўндирмоқ одат —
Қадрингни тик тутиб яшаш Сенга тан...
Дунёга дастурхон тўшаган жаннат —
Буюк ва муқаддас, мустақил Ватан.

Кўчқор НОРҚОБИЛ



Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Сайловдан сайловгача

2011 йил 31 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини тайёрлаш ва ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Кимлар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) бўлиши мумкин? Уларнинг маслаҳатчилари қандай ваколатларга эга бўлади? Улар неча ёшда бўлиши лозим? Ана шундай саволлар билан кўпгина фуқаролар Адлия вазирлигига мурожаат қилмоқда.

ТУМАН, шаҳар ва фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини тайёрлаш ва ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

А.РЎЗИЕВ,
Чортоқ тумани

— “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ҳамда шаҳарлар ҳудудида тегишлича фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳар-

лар комиссиялари тузилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг кенгаши қарори билан сайлов даври учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш буйича ишчи гуруҳи тузилади.

Вилоят, туман ва шаҳар қўмаклашувчи комиссияларнинг вазифалари нима-лардан иборат?

С.АХМАДЖОНОВА,
Сардоба тумани

— Комиссиялар: Сайлов қонунини ижро этилишини таъминлайди ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалалари буйича

тушунтиришлар беради; фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш буйича тегишли ишчи гуруҳларининг фаолиятини йўналтириб боради; фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш буйича ишчи гуруҳларидан кейинчалик тегишли туманлар, шаҳарлар ҳокимлари билан келишиш учун раислар (оқсоқоллар) вазифасига қўрсатилган номзодларга доир ҳужжатларни қабул қилиб олади; фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар-

нинг маслаҳатчилари сайловига доир ҳужжатларнинг намуналарини тасдиқлайди; фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш буйича ишчи гуруҳларининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларга доир ахборотларини тинглайди; тегишли ҳудудда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ масалаларга доир мурожаатларини қўриб чиқади; фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг архивга топширилишини таъминлайди. Комиссиялар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

(Давоми бор)

Биз — 20 ёшдамыз

Истиқлол тенгдоши

Ёшлик инсон умрининг бебаҳо даври. Негаки, айнан ўша паллада қўйилган тамал тоши ҳар бир инсоннинг келажagini белгилаб беради. Фаррух Шариповнинг ҳам кўнгли ёшлик орау-ниятларига лиммо-лим.

2006 йилда Сирдарёдаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб интернатининг 9-синфини имтиёзли тугатган Фаррухнинг ўз мақсадлари Тошкентга етаклади. Тошкент юридик коллежига ўқишга кирди. 2009 йили уни тугатиб, Тошкент давлат юридик институтига шартнома асосида ўқишга қабул қилинди, ҳозир мазкур институтнинг 2-курс талабаси.

Илмга чанқоқлик, ғайрат ва шижоат ҳеч қачон беиз кетмайди. 2009 йилда Конституциянинг 17 йиллигини муносиб қутиб олиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар ўтказилиши муносабати билан ОАВда ҳамда аҳоли ўртасида Конституция ва сайлов қонун-

чилигини кенг тарғиб қилишдаги иш-тироқи учун институт томонидан faxрий ёрлик билан тақдирланди.

Бугунда “Конституциявий ҳуқуқ” кафедраси илмий тўғарагининг фаол аъзоси сифатида республика миқёсида ўтказиб келинаётган илмий-амалий анжуманларда фаол қатнашмоқда. БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги нашрлари тўпламларида, журнал ва газеталарда 20 дан зиёд илмий мақолалари чоп этилди.

2010 йил “Қамолот” ЁИХ марказий кенгаши “Ёшлик” талабалар шаҳарчасида Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда ўтказилган “Талаба-ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ўз фикрларини эркин айта

олишларини мунозара-дебат йўли билан шакллантириш”га қаратилган ўқув-курсда фаол иштироки учун унга сертификат берилди. Ўша йили ТДЮИ “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича институт талабаларининг 4-олимпиадасидаги фаол иштироки фхрий ёрликка муносиб деб топилди.

Жорий йилда эса Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган “Бағли ҳуқуқшунослар” республика кўрик-танловида ТДЮИ жамоасининг олий ўринни эгаллашда фаоллик кўрсатганлиги учун ташаккурнома билдирилди.

Фаррух Шарипов ҳозирда “Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг конституциявий ҳуқуқий асослари” мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда.

(Ўз мухбиримиз)



“Мустақиллик — менинг тақдиримда”

тадбири юртимиз
бўйлаб давом этмоқда

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ташаббуси билан Гулистон шаҳридаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатда “Мустақиллик — менинг тақдиримда” мавзусида тадбир ўтказилди.

ТАДБИРДА Адлия вазирлиги масъул ходимлари, вилоят ва шаҳар ҳокимликлари вакиллари, давлат ва нодавлат ташкилотлари масъул ходимлари, ўқувчилар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Урашув давомида тарихан қисқа бир даврда, аввало, эл-юртимизнинг хош-иродаси, куч-қудрати, машаққатли ва бунёдкорона меҳнати эвазига жаҳон харитасида янги, ўз кучи ва салоҳиятига таянган, бугун тараққиёт йўлидан барқарор суратлар билан ривожланиб бораётган мустақил, суверен Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши, ҳеч шубҳасиз халқимизнинг тарихий ғалабаси эканлиги алоҳида таъкидланди.

Бу борада ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, Ватанга бўлган муҳаббатининг юксалиши, мустақил фикр билдира олиш қобилиятининг юқорилиги, юртимизда кечаётган ислохотлардан хабардорлиги йўналганларда катта таассурот қолдирди.

Айниқса, ўқувчиларнинг мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар юзасидан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йилнинг ноябрь ойида ўтказилган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасида белгиланган вазифалардан воқифлиги қувонарли ҳолдир.

Ташкилотчилар томонидан Концепция юзасидан тайёрланган махсус тақдирот ёшларда катта таассурот қолдириб, уларнинг Концепция бора-сидаги билимларининг янада мустаҳкамланишига асос бўлди.

Урашувларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февраль кўни тасдиқлаган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори ҳамда унинг асосида қабул қилинган Давлат дастури мо-хияти юзасидан ҳам тушунтиришлар берилди.

Тадбир сўнгида иштирокчилар орасидан “Хуқуқ билимдонлари” аниқланиб, уларга Адлия вазирлигининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

Шунингдек, мазкур тадбир Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида ҳам ўтказилди.

Тадбир сўнгида иштирокчилар орасидан “Хуқуқ билимдонлари” аниқланиб, уларга Адлия вазирлигининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

Тарғибот гуруҳининг ўшбу йўналишдаги навбатдаги тадбирлари Тошкент шаҳридаги бошқа Олий ўқув юртларида ҳам ўтказилаётган бўлди.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

ТОШКЕНТДА 22-23 апрель кўнлари “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. ЎЗА мухбирлари конференция иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.

Сўз — халқаро конференция
иштирокчиларига

Халқингизнинг сийрати ҳам, сурати ҳам жуда гўзал

Пьер ШАБАЛ,
Гавр университетининг халқаро муносабатлар
факультети профессори, сие́сатшунос (Франция):

— МАМЛАКАТИНГИЗДА ўтказилган “Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самардорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ва сайлов жараёнларида иштирок этганман. Юртингизда қўллаб-қувватлаш қўлга киритилган ўзгаришлар, хусусан, иқтисодиёт тубдан таркибий ўзгаргани ва диверсификация қилинганлигини гувоҳи бўлдим.

Ража Мухаммад АБДУЛЛОХ,
“OIC Today” иқтисодий ва сармоявий журнали
бош директори (Малайзия):

— АМИР ТЕМУР каби тарихий шахслар юрти — Ўзбекистон буюк қудрат ва юксак салоҳиятга эга мамлакатдир. Юртингизда ўтказилган қатор йирик халқаро анжуманларда иштирок этганман. Бундай фойдали анжуманларни ташкил этиш орқали Ўзбекистон ўзининг юксак сие́сий нуфузи ва улкан иқтисодий салоҳиятини жаҳонга намойён қилаёттир. Конференцияда жаҳоннинг қўллаб-қувватлаш олимлари, экспертлар ва жамоат арбоблари, нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди, ўзаро тажриба алмашди.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, мамлакатингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлики ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг барча тармоқларига сармоя, шу жумладан, хориж сармоясини жалб этишга катта эътибор қаратилапти. Бу ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Теруе ОКАДА хоним,
Токио университети профессори (Япония):

— ТОШКЕНТГА ўн беш йил аввал келган эдим. Ўтган вақт ичида пойтахтингиз таниб бўлмас даражада ўзгариб, янада гўзаллашиб кетди. Мен Ўзбекистоннинг қўллаб-қувватлаш бўлимида бўлганман. Тошкент, Хива, Самарқанд, Бухородек бетакрор меъморий обидалар ва муқаддас қадимжоларга бой, замонавий ва миллий қадриятларни ўзида мужассам этган шаҳарлар дунёда жуда кам.

Юксак савияда ташкил этилган ўшбу конференция Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган юксак самарали ишлар билан яқиндан танишиш, бу борада турли мамлакатлар экспертлари, олим ва мутахассислари билан ўзаро фикр алмашиш имконини берди.

Ража КУМАР,
Жавахарлал Неру номидаги университет ҳузуридаги
Халқаро тадбиркорлик мактаби профессори (Ҳиндистон):

— ЎЗБЕКИСТОНГА биринчи бор келишим. Мамлакатингиз ҳақидаги таассуротларимни таърифлашга сўз ожиз. Ўзбекистон менинг тасаввуримдагидан анча зиёда — жуда гўзал ва буюк давлат экан. Халқингизнинг сийрати ҳам, сурати ҳам жуда гўзал.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида жаҳондаги қўллаб-қувватлаш иқтисодий кўрсаткичларининг пасайиб кетаётганига қарамай, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулоти-нинг мунтазам ўсиб бораётгани, ишлаб чиқаришнинг ривожланаётгани, экспорт кўрсаткичлари ошаётгани, хорижий сармоялар кенг жалб этилаётгани катта муваффақиятдир.

ЎЗА мухбирлари
Мадина УМАРОВА, Ирода УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Қонунлар инсон манфаатини улуғлайди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”ни эълон қилди.

Концепция мазмун-моҳиятига кўра, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократлаштириш бўйича бошланган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, юксак тараққиёт марраларига эришиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни белгилаб берди.

Қўйида мазкур Концепция юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзолари билан суҳбатлашдик.



Нурдинжон
ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Қонунчилик
ва суд-ҳуқуқ масалалари
қўмитаси раиси

— Даламатингиз раҳбарининг ўтган йил 12 ноябрь кўни бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси нафақат мамлакатимизда, балки дунё жамоатчилиги орасида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Хорижий мамлакатларнинг бир қатор давлат ва жамоат арбоблари, таълиқли сие́сатшунос олимла-

ри, йирик экспертлари, ҳуқуқшунос ва мутахассислари томонидан мамлакатимизда қисқа вақт мобайнида амалга оширилган демократик ўзгаришлар ҳамда жадал суратлардаги ривожланишларга юксак ижобий баҳо берилаётгани ҳар биримизда гуруҳ ва ифтихор туйғуларини уйғотади.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда босқичма-босқич олиб борилаётган давлат ҳокимияти ва бошқаруви демократлаштириш соҳасидаги ислохотлар замирида кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш госяи ётанлиги ва пировардида мустақил Ўзбекистон Республикасини энг тараққи топган мамлакатлар қаторидан мустақам ўрин эгаллаши, халқимизга фаровон турмуш шароитини яратиш, энг муҳими, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини муносиб ҳимоя қилиш меҳанизминини шакллантириш ётибди, десак муболага бўлмайди.

Давра суҳбатини
Кўчқор НОРҚОБИЛ ёзиб олди.

2011 йил – “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”



Депутат минбари

Идорама-идора юришга чек қўйилди

Ҳаммаси оддий, қонуний ва халқ манфаатига мос

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисида сўзлаган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасида олти устувор йўналишдан бири сифатида демократик бозор ислохотларини ва иқтисодийни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Дарҳақиқат, мазкур йўналиш мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг юқори самарасини таъминлашда асосий омил ҳисобланади.

КОНСТИТУЦИЯМИЗДА мулк ва мулквий муносабатлар муҳофазаси қатъий белгилаб қўйилган.

Бинобарин, мустақиллигимизнинг дастлабки даврларидан бошлаб хусусий фирма, корхона ёки фермер хўжаликлари ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратилди, фуқароларимизнинг тадбиркорлик ва ташаббускорлик фазилатлари янада ривожланди. Меҳнатсевар элимизнинг бунёдкорлик, изланувчанлик ва янгиллик интилувчанлик салоҳияти билан юртимизда тадбиркорлик кенг қулоч ёйди.

Ишбилармонлик ҳаракатини тараққий эттириш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш мақсадида “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг тартиб-қоидалари белгиланди.

Эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, ишбилармонларга қулай шарт-шароитлар яратиш ва имтиёзлар бериш кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Президентимизнинг “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ушбу соҳада муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ҳужжатларда тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш, тафтиш қилиш белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилиши, уларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларининг фақат суд тартибидида қўлланилиши белгиланди. Назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқаридаги масалалар бўйича текшириш ўтказганлиги, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашганлиги учун етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши, ҳатто жиноий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилди. Бу тартиблар ҳаётимизда ўзининг амалий ифодасини топгани боис, ноқонуний текширишлар сони кескин қисқарди.

Кодиржон ОХУНОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати

“КИЧИК БИЗНЕС ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурига мувофиқ ҳамда давлат ва назорат органларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш, текширишларни ташкил қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига асоссиз аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш, шу асосда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кучайтиришни таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 4 апрель куни Президентимизнинг “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони қабул қилинди.

ФАРМОННИНГ тадбиркорлик субъектлари фаолияти, назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг асоссиз аралашмаслиги борасидаги аҳамияти, унда белгиланган қоидаларда ўз аксини топган.

Хусусан, Фармонга кўра, янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик

мал муддатдан, яъни 30 календарь кунидан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмайди.

Фармонда текширишлар натижаларини самарали таҳлил этиш тартиби жорий қилиниши алоҳида таъкидланган. Унга кўра, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тартиби

Шарҳ

Икки йилгача текширилмасди

энди бу муддат уч йил қилиб белгиланди

субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатида олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмайди. Мазкур Фармон чиққунга қадар бу норма икки йилни ташкил этар эди. 2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан кичик тадбиркорлик субъектларига яна бир йил қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда ҳеч қандай режали солиқ текширишларисиз фаолият юритиш кафолатланмоқда. Айрим фаолият соҳаларининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда Фармонда мазкур қониданги акциз солиғига тортилмайдиган товарлар ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ текширишларга татбиқ этилмаслиги алоҳида белгиланган.

Фармонда текшириш муддатида оид муҳим қоида белгиланган бўлиб, унга кўра, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатлари қонун ҳужжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган мақсид

қоидаларини такомиллаштириш ва соддалаштириш борасидаги аниқ чора-тадбирлар комплексиди солиқ қонунчилиги бузилишларининг тизимли сабабларини аниқлаш, кейинчалик уларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш учун текширишлардан кейинги таҳлил механизми татбиқ этилади. Бир томондан қонунни бузган ёки бузишга мажбур бўлган субъектнинг айб даражасини аниқлашга хизмат қилса, иккинчи томондан бошқа тадбиркорлик субъектлари томонидан шундай қонунбузилишлари содир этилишининг олдини олади ва қонун чиқарувчи мавжуд муаммонинг сабабидан келиб чиқиб, тегишли нормалар қабул қилишга ёрдам беради.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текширишларни соддалаштириш бўйича алоҳида тартиб назарда тутилган бўлиб, унга кўра, бундай текширишларни ўтказишда назорат қилувчи орган биринчи навбатда унификациялаштирилган назорат саволномасини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиши лозим. Бу тадбиркорлик субъектларини текширишга келган назорат қилувчи орган ва

унинг мансабдор шахслари масъулиятининг ошиши, уларнинг ўз ваколат доирасига қирмайдиган масалаларни тадбиркорлик субъектидан талаб қилишига чек қўйилиши ва тадбиркорнинг назорат қилувчи органнинг текширишдан мақсадини, уни қандай саволлар қизиктиришини аниқ билиши ҳамда унга жавоб беришига имкон беради. Бу ўз навбатида тадбиркорнинг вақти, ва маблағининг тежалишига ва пировард натижада тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига хизмат қилади.

Назорат қилувчи органларнинг текширишларни бошлаш ва ўтказиш, хўжалик субъектларининг фаолиятини, шунингдек, банк ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ва бошқа хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги қарорлар қатъий равишда қонунда

Адлия фаолияти

Мурожаатлар

тезкор ва сифатли ҳал бўлмоқда

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ муаммоларидан ўз вақтида хабардор бўлиш ва уларни тезда ҳал этишга кўмаклашиш мақсадида ҳудудий адлия органлари томонидан ҳокимликлар, назорат қилувчи ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорликда ойда қаида икки мартаба “Очик эшиклар куни” ўтказиб келинмоқда. Йил бошидан бери юз мартаба ўтказилган ана шундай тадбирларда 7 мингга яқин тадбиркор иштирок этди. Уларнинг турли масалалардаги муаммолари жойларда ҳал қилинди.

МАСАЛАН, жорий йил 23 февраль куни Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ҳокимлигида ташкил этилган “Очик эшиклар куни” тадбирида “Art Furniture” хорижий корхонаси раҳбари Б.Турдиев корхонага улгуржи савдо фаолияти учун лицензия олишда муаммолар мавжудлигини маълум қилди.

Ўтказилган ўрганиш натижасида шаҳар Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш Департаментига киритилган тақдимномага асосан хорижий корхонага улгуржи савдо лицензияси берилиши таъминланди. Қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган Департаментнинг туман бошқармаси бошлиғи Н.Шайхон ўртача ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорда жаримага тортилди.

Шунингдек, тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувларга барҳам бериш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳамда қонун ҳужжатларида берилган имтиёзларни кенг жамоатчиликка турли кўрсатувлар орқали етказиб бориш мақсадида Ўзбекистон миллий телерадиоканаллари, Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси томонидан ҳамкорлик режаси тасдиқланди.

Мазкур режага асосан жорий йилда вазирлик ходимлари томонидан “Ўзбекистон” телерадиоканалнинг “Хаёт ва қонун”, “Интервью”, “Ёшлар” телерадиоканалнинг “Юзма-юз”, “Сизнинг адвокатингиз” кўрсатувларида мунтазам равишда ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб бориламоқда.

Тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвестиция ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг фаолиятига давлат идоралари томонидан ноқонуний аралашувлари бўйича мурожаат қилишлари имкониятини яратиш учун Адлия вазирлигининг интернет сайтида алоҳида “Тадбиркор мурожаати” веб-саҳифаси яратилди. Ҳозирда ушбу саҳифага 4 нафар тадбиркорнинг мурожаати келиб тушди, уларнинг ижроси алоҳида назоратга олинди.

Ноқонуний текшириш ўтказилишининг олдини олишда “Текширишларни рўйхатга олиш китоби”нинг самараси катта бўлмоқда. Мазкур китоб билан ҳозирги кунда 325 мингдан ортиқ тадбиркор таъминланди.

Ёш тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан қабул қилинган қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик нозоратини ташкил этиш, Интернетдаги www.kamolot.uz сайтида ёш тадбиркорларда юзага келаётган муаммоларни ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларнинг масъул ходимлари билан ҳамкорликда муҳокама қилишни ташкил этиш мақсадида Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, “Камолот” ЁИХ ва Ўзбекистон миллий телерадиоканаллари билан ҳамкорликда жорий йилнинг 2 март куни “Ҳамкорлик чора-тадбирлар режаси” тасдиқланиб, ижрога қаратилди.

Мазкур сайтда ёш тадбиркорларнинг ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари билан мулоқот ўрнатиши билан бирга, ушбу саҳифа орқали тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларини, тадбиркорларнинг давлат рўйхатидан ўтиш, микрокредит олиш тартиблари, тадбиркорлар учун яратилган солиқ имтиёзлари, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жойлаштирилмоқда.

Отабек НАРЗИЕВ,
ТДЮИ ўқитувчиси

Кўнгирок

“Ишонч телефони” ишончни оқламоқда

ТАДБИРКОРЛАР ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, уларнинг эркин фаолият кўрсатиш, ҳар қандай тўсиқларни бартараф этиш мақсадида 2011 йил 19 мартда Вазирлар Маҳкамасининг “Адлия органларида махсус “008” “Ишонч телефони” ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

МАЗКУР қарор билан адлия органларига катта масъулият юкланди, тадбиркорларга эса кенг имконият яратилди. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг: давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, назорат органлари ва лицензияловчи органлар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан;

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат берувчи ҳужжатлар беришнинг белгиланган муддатлари ва тартибига риоя қилинмаслиги масалалари бўйича;

тадбиркорларга кредит ва молия ресурслари беришнинг ноқонуний рад этилиши ёки бериш тартиб-қоидаларининг асоссиз қўзиб юборилиши ҳолатлари Адлия органларининг “Ишонч телефони”ларига қилинган мурожаатлар орқали дарҳол қўриб чиқиши белгилаб қўйилди.

Энди мисолларга ўтадиган бўлсак,

яқинда Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманида жойлашган “Райхона Шаҳбоз савдо сервис” хусусий корхонаси раҳбари Б.Рўзиевнинг “Samarqand” акциядорлик тижорат банки ходимлари хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб “Ишонч телефони”га қилган мурожаати ўрганиб чиқилди. Филиал томонидан тадбиркор Б.Рўзиевга 25 миллион сўм кредит маблағлари ажратиб берилаётганлиги аниқланиб, Самарқанд вилояти адлия бошқармаси аралашувидан сўнг тадбиркор Б.Рўзиевга 25 миллион сўм кредит маблағлари берилиши таъминланди.

Худди шу каби, Тошкент вилоятининг, Бекобод шаҳар, Олчазор кўчаси 31-уйда яшовчи тадбиркор Х.Ҳасимова 2011 йил 5 апрель куни Адлия вазирлигининг “Ишонч телефони”га мурожаат қилиб, тадбиркорлик фаолияти билан хорижга чиқиши учун АТИБ “Ипотека банк”нинг Бекобод филиали томонидан пул маблағлари конвертация қилинмаётганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан ўрганиб

чиқилиб, тадбиркорнинг мурожаати қонуний ҳал этилди.

Бундан ташқари, Бекобод туманида фаолият кўрсатаётган “Ризоқуловлар” фермер хўжалиғи раҳбари А.Ризоқулов 2011 йил 4 апрель куни Адлия вазирлигининг “Ишонч телефони”га мурожаат қилиб, АТИБ “Ипотека банк”нинг Бекобод филиали томонидан фермер хўжалигининг ҳисоб рақами мажбуран ёпилганлигидан ҳамда бошқа банк ОАТБ “Агробанк” Зафар филиалида ҳисоб рақами шу кунга қадар очилмаётганлигидан норозилигини баён қилганди. Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 2011 йил 14 апрель куни ОАТБ “Агробанк” Тошкент вилояти бошқармаси ҳамда АТИБ “Ипотека банк” вилоят бўлимига тақдимнома киритилди.

Адлия органларининг аралашуви билан тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланиб, унинг фаолият кўрсатиши учун қулай бўлган АТИБ “Ипотека банк” Бекобод филиали томонидан унга ҳисоб рақамлари очилиб банк хизмат кўрсатилиши таъминланди.

Зафар МУСТАФАҚУЛОВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими

Шавкат САТТОРОВ,
Ўрол ОСТОНОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходимлари

Халқаро
меъёрИнвестиция
низоларини
ҳал этишбўйича халқаро
марказ хусусида

БУГУНГИ глобаллашув даврида тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларнинг ҳажми тобора ортиб бормоқда ҳамда халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатмоқда. Хар бир соҳада бўлгани каби инвестиция жалб қилиш ва ундан самарали фойдаланишда ҳам турли низолар келиб чиқиши мумкин. Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган "Давлатлар ва бошқа давлатлар фуқаролари ўртасида инвестиция низоларини ҳал этиш тўғрисида" Конвенция (Вашингтон, 1966 йил 14 октябрь) билан Инвестиция низоларини ҳал этиш бўйича халқаро марказ таъсис этилган. Ушбу халқаро конвенцияга 140 дан ортиқ давлат қўшилган, Ўзбекистон Республикаси томонидан у 1994 йилда ратификация қилинган.

МАРКАЗ фаолияти ХХ асрнинг 90-йилларидан сўнг жадаллашди. БМТнинг Савдо ва тараққиёт ташкилоти маълумотида кўра, 1994 йилда Марказда 3 та низо кўрилган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 132 тагача ортган. Бунинг давллатлар ўртасидаги халқаро инвестициялар оқимларининг кўпайганлиги ва бу жараён натижасида келиб чиққан низолар сонининг ортиши билан изоҳлаш мумкин.

Марказ томонидан фақат ҳуқуқий низолар кўриб чиқилди. Шу мақсадда Марказ томонидан тегишли малака ва билимга эга бўлган арбитрларнинг рўйхати шакллантирилган. Инвестор мурожаат қилган ҳар бир ҳолда низоининг Марказ томонидан кўриб чиқилиши учун тегишли давлатнинг ёзма розилиги талаб қилинади.

Таъкидлаш лозимки, ҳар қандай ҳуқуқий низо ҳам инвесторларга Марказга мурожаат қилиш учун асос бўлолмайди. Одатда, давлатлар ўртасида тузилган конвенциялар инвестиция шартномаларини ўзаро рабатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги икки томонлама шартномаларда хорижий инвестициялар учун ҳуқуқий кафолатлар берилади ҳамда қандай низолар Марказда кўриб чиқилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилади. Марказ ҳуқуқий тусга эга бўлмаган турли хил асоссиз даъволарни қабул қилишни рад этиш ва қайтариб юбориш ҳуқуқига эга.

Марказ низоларни кўриб чиқишда тегишли давлатнинг қонунчилиги нормаларини ҳамда халқаро ҳуқуқнинг тегишли нормаларини қўллабди. Демак, тегишли давлатдаги қонун талабларига амал қилингани йўқми, тахлил этилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Марказ инвестиция низоларини кўриб чиқишчи махсус халқаро муассаса бўлиб, унинг фаолияти халқаро ҳуқуқ мутахассисларининг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Ойбек ҲАКИМОВ,
Адлия вазирлиги
бошқарма бошлиғи
уринбосари

БИР ҚАТОР нуфузли халқаро институтларнинг баҳолашича, Ўзбекистон дунёнинг 125 та давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шaroитлар яратиш ва оналикни муҳофазо қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Бунинг ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Балтиқбўйи ва МДХ мамлакатлари бўйича офиси томонидан оналик ва болаликни муҳофазо қилиш борасидаги дастурларнинг жорий қилишда Ўзбекистоннинг минтақадаги намунавий модель сифатида эътироф этилгани ҳам исботланади.

ДАВЛАТИМИЗ Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи "Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида"ги Конвенцияни ратификация қилди. Халқаро меҳнат ташкилотининг "Иш кунини ҳафтасига 40 соатдан оширмалик", "Вена декларацияси" (1993 й.), "Пекин декларацияси ва ҳаракат

Қарз берувчи: — Икки йилдан буён қарзни қайтармагисиз. Бу ҳол қачонгача давом этади?
Қарздор: — Агар асабимни бузверсангиз, рўйхатимдан умуман ўчириб ташлайман.

(Халқ орасидаги гаплардан)

ЎЗАО суҳбатлардан бирида: — "Фарғонада Салоҳиддин ака деган танишим бор эди, — деб қолди ҳамкасблардан бири. — Улфатсевар чиши. Ўтган йилнинг ёзида Салоҳиддин ака кўнгрор қилиб қолди. — Сизни Сирғалидаги машина бозорида кутиб турибмиз, синфдошим Акбаралига "Мерседес" олдик, — деди. Ётиб бордим. — Кичкинагина муаммо бор, 500 "кўк"дан етмапти, — деди Салоҳиддин ака. — Таниш-билишлар ёрдами билан қарзга бўлса ҳам айтилган беш юз "кўк"ни топдик. — Уч кунда омонатингизни қайтарамиз, — дейишди "азамат"лар. Орадан уч ой ўтгач, Салоҳиддин акани Тошкентда кўриб қолдим.

— Дўстим, эшитдингизми, синфдошим Акбарали дунёдан ўтиб қолди. Омонатга келсак, мен сизга қайтараман, — деди.

— Индамадим. — Шу йилнинг соғуқ қиш кунлари эди. Ярим тунда ҳовлининг дарвозаси кетма-кет тақиллади. Бемаҳалда ким экан, дея минг бир хавотир билан дарвозани очдим. Не кўз билан кўрайки, "ўлди"га чиққан Акбарали ака турибди.

— Тошкентга келгандим. Уйдан шошиб чиқибман. Меҳмононага борай десам паспортим уйда қолиб кетибди. Сиз ёдимга тушиб қолдингиз. Ярим кечаси бўлса ҳам суҳбатингизни олайин, деб келавардим, — деди у.

Акбарали ака билан анча суҳбатлашдик. Гап Салоҳиддин акага бориб тақалди.

— Аканинг иши юришмай қолганди. Болалари билан Россияга ишга кетганди. Бир ойча бўлди. Қаттиқ бетоб бўлиб қолган экан. Фарғонага олиб келишди. Вафот этди, — деди.

Ноилж қарз ҳақида сўз очдим.

— Болаларим ҳаққи, омонатингизни Фарғонага борган кунгиз Салоҳиддин акага қайтариб берганман, — деди.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги Олимлар маҳалласида Қодиржон ака деган танишим яшайди. Фан доктори. Жуда камтар инсон. Илмий текшириш институтида 20 йил директор бўлиб ишлаган. 3 хонали уйда яшайди. Яқинда маҳаллада кўриб қолдим. Қайфияти йўқдай кўринди. Сабабини сўрадим.

— Кексайганда ўзимга

Эътибор

Хотин-қизлар
улуғланган жамият

истикболли ва келажаги порлоқ бўлади

Платформаси" (1995 й.га қўшилди).

Аёлларимизни мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий соҳалари ривожига жараёнига кенг жалб қилиш, оила, оналик ва болаликнинг муҳофазасини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш йўналишида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизларга берилаётган эътиборни, жумладан, "Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси"га сайлов тўғрисида"ги 2003 йил 29 августда қабул қилинган Қонунда сиёсий партиялар томони-

дан депутатликка қўйиладиган номзодларнинг 30 фоизи хотин-қизлар



бўлиши қайд қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил

25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгиланган муҳим вази-

фалар ва йўналишларда ҳам қўриш мумкин. Бу ўринда, таъкидлаш жоизки, Меҳнат кодексига қўшимча 228-модда киритилиб, уч ёшга тўлмаган фарзандлари бор, бюджет ҳисобидан молиявий таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга меҳнатга тўланадиган ҳақни қамайтирмасдан, иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати

уқасини қақриб: "Бирон инсон икки гувоҳ билан отангизнинг қарзини сўраб келса берасизми?" дея сўрайди. Майитнинг эгаси халқ олдида "ха" деб жавоб бергач, жаноза ўқилади. Марҳумнинг ёлқасидаги қарз унинг ўлига ёки яқинларини зиммасига ўтади. Марҳум қарзлардан халос бўлади. Ва сўнгги йўлга қўзатилади. Бу одат кеча ёки

Бундай хайрли фаолиятга қиришганлар қўллаб-қувватланапти, улар учун имконлар кенг. Бунинг жорий йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинишида ҳам яққол кўриш мумкин. Юртимиздаги барча банклар тадбиркорликнинг этагини тутаман, дейдиганлар учун кредит бермоқда. Бундай сый-

миёлаштирганмисиз? — сўрайди Маҳмуд акадан.

— Девордармиён кўшни бўлсак. Қолаверса, у кишига ишонган эдим. Хатто тилхат ҳам олмаган эканман.

Аслида қарз олди-бердини қандай расмийлаштирилади?

Бу ҳақда Тошкент вилояти Янгийўл тумани 1-сонли давлат нотариуси

Қарз: берганмисиз?
олганмисиз?

бугун пайдо бўлмаган. До-нишмандлар ҳам қарздан қўтилиш керак, деган гапни кўп тасқорлашган. Муборак ҳадисларимиздан бирида шундай дейилган. "Эй, парвардигор! Мен Сендан оғир қарздорликдан, душмандан мағлуб бўлишдан ва ганимлар кулгусидан паноҳ тилайман".

Инсон ҳаётида имкон қадар қарз олмасдан яшашга ҳаракат қилиши керак. Лекин ҳаётда, бирор қийинчилик кутилмаганда касалхонага тушиб қолиши мумкин. Баъзан ўзингиз. Дорига пул керак бўлиб қолади. Ўзингизда одатда пул бўлса яхши, аммо ҳар доим ҳам бундай бўлавермайди. Одатда, қарздор қарз берувчининг олдида тили қисқ бўлади, дейишдади (агар унда виждон бўлса, албатта). Бироқ, айрим одамлар қарзни қайтармаслиқга ҳаракат қилиб, минг бир баҳонани ўйлаб топади. Аслида бундай одамлар товламачи ва фирибгарлардир. Бундайлардан эҳтиёт бўлган яхши.

Бугунги ҳаёт одамлардан тадбиркор ва ишбилармон бўлишни талаб қилмоқда.

ҳаракатлар туфайли кўплаб одамлар иш билан таъминланиб, юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшмоқда. Лекин айрим қўштирноқ ичиндаги тадбиркорлар давлатдан олган қарз маблағларини ўз вақтида қайтармай банк ҳодимлари олдида ишончини йўқотмоқда. Олинган қарз маблағи қайтарилиши шарт. Тадбиркорлик ҳалоллигини талаб қилади. Ҳалоллик бор жойда эса барака бўлади. Ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам учраб туради. Яъни айрим ўзига тўқ одамлар ортиқча пуллари кимларгадир бериб, ундан фойз олиб "тадбиркорлик" қилмоқчи бўлади, бошқача айтганда, судхўрлик қилади. Ҳадисларда касбларнинг ёмони судхўрликдир, дейилган.

...Яқинда тахририятга Қашқадар вилоятининг Чирқоқ туманидан Маҳмуд Акбаров деган газетхон кўнгрор қилиб:

— Икки йил олдин қўшним Саттор ака 2 миллион сўм қарз олган эди. Лекин энди қайтармапти. Ёрдам берсаларингиз, — деди.

— Қарзини қонуний рас-

раси нотариуси Гўлбаҳор

ФАКИРОВА шундай дейди: — Моддий жиҳатдан қийналиб қолган кишиларга имкониятидан келиб чиққан ҳолда қўлақлаш шалқимизга хос хайрли иш. Лекин ҳар бир ишнинг ўзига хос қонун-қоидалари бўлгани каби, қарз бериш ва олиш ҳам мавжуд қонун талабларига мос равишда амалга оширилиши лозим. Қонуний ҳолат фуқаролар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган турли хил аниқлашмоғчилик ва келишмовчиликларнинг олдини олиш.

Қарз шартномаси бўйича, қарз берувчи қарз олувчига пул ёки бошқа ашёларни мўл қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган бошқа ашёларнинг қили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Фуқаролик кодексининг 732-735-моддаларига кўра, фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан

белгиланди ҳамда камида йигирма йиллик иш стажига эга бўлган аёллар эллиқ тўрт ёшга тўлганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Унга кўра, аёллар пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ҳодимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг Интернат уйлари, "Меҳрибонлик" уйлари тарбиячилари, шунингдек, кутубхоначилар сифатида ишлашни давом эттираётган ва нафақага чиқиб олдида мазкур мутахассисликлар бўйича камида ўн йил иш стажига эга бўлган ҳолларда улар пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бундай ғамхўрлик ва шaroитнинг яратилиши хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлайди ва юксалтиради. Зеро, аёллари эъзозланган юрдагина шундай эзгу амаллар ижобатини топади.

Барно РЎЗИЕВА,
Тошкент шаҳар,
Олмазор тумани
ФХДё бўлими мудири

ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши шарт, шартномадаги тарафлардан бири юридик шахс бўлса, қанча суммалигидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши лозим. Агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи томонидан муайян сумма топширилганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади ва у пул ёки ашёлар топширилган пайтдан бошлаб тузилган саналади.

Қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддат ва тартибда қайтариши шарт. Агар қарз шартномасида муддати белгиланмаган бўлса, қарз берувчи қарзни қайтаришни талаб қилган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида қайтариши керак.

Қарз шартномасининг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмаса-да, бироқ низо чиққан тақдирда қарз олиш-беришни тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Ёзма шаклда тузилиши лозим бўлган қарз шартномаси юзасидан гувоҳларнинг кўрсатмалари ёрдамида даъволашми мумкин эмас.

Давраларда қарз ҳақида сўз очилганда шоир Муҳаммад Юсуфнинг "Уч ўғил ва бир қиз қиссаси" шеъри ёдимга келади. Асар қаҳрамони Мўмин чол кампирни вафот этгач, уч ўғли ва бир қизи билан қолади. Кенжа ўғлини уйлантираётганда Мўмин чол эски қадрдондан қарз олади. Мўмин чол вафот қилган кун: "Озорқина қарзини эслайди... қадрдон! Уч ўғил эси: Отанинг бундай дўстини танимаймиз, дейдилар... Шунда ёлғиз қиз халққа қараб: "Бўй этган кун тўлайман... Мен отанинг қарзини" дейди.

Шоир шеърни шундай ақуналади:

Ривоятмас айтганим,
Хикमत бўлмас ёлғонда,
Бу воқеа юз берди
Шу кунда, шу замонда.

Қарздан кечиб кетса ҳам
Ота дўсти хайратда,
Уч ўғлини қишлоқдан
Хайдади халқ албатта.

Қиз-чи, дерсиз, қиз ҳаёт,
Яшар ота маконда,
Чунки унга муносиб
Йигит йўқ бу жаҳонда...

Зайниддин
МАМАДАЛИЕВ,
"Инсон ва қонун"
муҳбири

ди. Умуман олганда, МФЙ раиси одамларга ер ўлчаб бериш ваколатига эгами? Йўқ. Бунинг устига фуқаролар йиғини ҳузуридаги тураржой бинолари қуриш учун ер майдонларини ҳисобга олиш ва тақсимлаш тўғрисидаги жамоат комиссияси томонидан тузилган рўйхатни Қосон тумани ҳокими ўз қарори билан тасдиқламайди. Демак, фермер хўжалиги тасаруфидида бўлган ердан аҳолига уй-жой қуриш учун ер ажратиш мумкин эмас. Нега унда МФЙ раиси ер бераман, деб одамлардан пул олди? Бундан қўринадики, Айгул Базарова ер ўлчаб бериш ваколати берилмаган бўлса-да, у гаразли ниятда ва фирибгарлик йўли билан бойлик ортириш мақсадида бу ишни амалга оширган.

У жиноий хатти-ҳаракатини давом эттириб, ўзи билан бир қишлоқда яшовчи Жўрамурад Холиқовнинг уйига бориб, "Мен сизга Хатамова Назокат

буви" фермер хўжалиги ер майдонидан уй-жой қуриш учун 12 сотих ер бераман, эвазига менга 200 000 сўм пул берасиз", дейди ва бу пулни қўлга қирғатади. Шундан сўнг ҳамқишлоғи Гўлнора Қасимова уйига бориб, худди шундай ёлғон эвазига унинг 400 000 сўм пулини ҳаминга уради. Лўнда қилиб айтганда, ҳамқишлоқларини лақиллатиш эвазига турли миқдорда пул олиб, мансаб ваколатини сумистемол қилади.

Жиноят ишлари бўйича Қасби тумани судининг очик суд мажлисида Айгул Базаровага нисбатан қўзғатилган жиноят иши қўриб чиқилди. Ҳамқишлоқларини қўв туширган раис қонун олдидан жавоб беришга мажбур бўлди. Энг ёмони, эл-юрт олдида энди унинг юзи шувут...

Мардон МАМАТОВ,
Қасби тумани
прокурори ёрдамчиси

Мулоҳаза

Исм ҳам
ғурур
берадива унда миллат
ифодаси мавжуд

ИШ ЖАРАЁНИДА баъзан айрим ҳаётий ҳолатлар учраб туради. Янги туғилган фарзандига гувоҳнома олиш учун туман ФХДё бўлимига келган беш ота-онадан бири чеқалоқини "Ромеш" исми билан қайд этишни сўради. Бундай пайтларда ажобланмасликнинг иложи йўқ, Тил бисотимизда юзлаб эмас, минглаб готда гўзал ва жарангдор ўзбек исмлари бор. Бўлим ҳодими қондага кўра ота-онанинг иродасига қарши ҳам бормайди. Бирок, шундай бўлса-да, у бахтиёр отадан бундай исмига олоқадигилор нима дейишотганини сўраб кўрди. Ота олоқадигилор ўз измида экани, ўтгани "замонавий" фарзанд қилиб тарбиялаш ниятида шу исмини танлаганилини айтди. Лекин бу ерга юмуш билан келган бир эйланоман онахон назаримизда отанинг ҳақлиги сўзларини ўзига сингдирилмади чон, унга:

— СИЗ ФАРЗАНДИМНИ "замонавий" қилиб ўстирмакчиман, дедингиз. Исм ҳеч қачон замонавийлик белгиси бўлган эмас, — деди. — Ўзбекона исмлар — миллатимизнинг ҳам фахри, ҳам рамзи. Бошида дўппи, ёғида чопони билан ҳатто, доғруғдор мамлакатларнинг катта-катта минбарларидан турли, илмий маърузалар ўқийётган, компьютер сабоғини бераётган ўзбек ўғлонлари бисёр, ўғлим. Ўз халқи ва миллатининг обрўси, ғурурини ўйлаган одам ўзга маданиятга сажда қилмайди.

Йигит қалованиб қолди. Онахон буш келмади, боланинг туғилган кунини сўраб билган, яна деди:

— Сиз айтган кунда аёзли, қор-қировли қиш ўз ўрнини баҳорга бўшашиб берган, осмон булутлардан халос бўлган. Қуёш чарақлаб нур сочган. Шу айёмда ҳурмати, ўғлингизга "Ромеш" сўзига ҳамондан Равшан ёки Раҳмон исмини танлаганингиз маъқул бўлмасмикан?

...Шу кун чакалоқнинг отасига "Равшан" исми ёзилган туғилганлик ҳақдаги гувоҳнома берилди.

Исм танлаш чиндан ҳам нозик масала ва бунга юзани қараб бўлмайди. Баъзан фарзандига номини ёки кейинчалик уни ноқулай ҳолатга солиб қўйиши исмларини раво кўраётган ота-оналарни учратасиз. Бирок, ётиги билан тушунтирилса, ҳаракатининг беиз кетмади. Ўтган йили йилгизарг туманида 2 минг 63 нафар чакалоқ дунёга келди. Ибратли жиҳати, уларга қўйилган исмлар ўзбекона, шу билан бирга гўзал, оҳангдор ва жарангдор. Янада муҳими, бу исмлар авваллари бўлагиндек, имловий ҳатолар ва ўзга тиллар аралашмасидан холи.

Ўтган йили мазкур туманда турмуш қуриш юзасидан ФХДё бўлимига мурожаат қилган 953 та оилавий жуфтликнинг ҳаммаси тиббий қўриқдан ўтди.

Оилалар барқарорлиги ва мустақамлигини таъминлаш, низо-жанжалларнинг олдини олишга қаратилган тарафбат-ташвиқот ва тушунтириш тадбирлари эса асосан юзма-юз ва яқма-яқма суҳбат тарзида, ишончли ва исботли фикр ҳамда далиллар қўмағида амалга оширилди. Айни пайтда оммавий ахборот воситалари ва турли учрашувлар ҳам фойдаланилди. Никохни бекор қилиш юзасидан ФХДё бўлимига ариза берганлар сони бир йилнинг ўзида 20 фоизга камайди. Буларнинг бари одамлар онига эзгу фикр ва ғояларни сингдиришга қаратилган сый-ҳаракатлар самараси эканлиги равшан.

Эл тинчлиги, тотувлиги, ҳалол ва фидойи меҳнат ҳамда турмушга бўлган жоухавас авваллардан оиладан бошланади. Оила тинчлиги кўча-кўй, маҳалла, бу ердаги тотувлиги эса бутун юртга татийди.

Ражаббиди
ПАНОВА,
Янгиарик тумани
ФХДё бўлими
мудири,
Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун"
муҳбири

Ҳуқуқий тарғибот:

адлия идоралари, давлат органлари ва
жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги

“Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият”

мавзуида республикамиз бўйлаб ҳуқуқий саводхонлик ойлиги
тадбирлари ўтказилмоқда

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори асосида тасдиқланган “Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!” деган ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари Дастурига мувофиқ республикамиз бўйлаб “Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият” мавзуидаги ҳуқуқий саводхонлик ойлиги давом этмоқда.

Яқинда Чирчиқ шаҳридаги “Офицерлар” уйида “Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият” мавзуида семинар машғулот бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилояти адлия бошқармаси, Тошкент давлат юридик институти, Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, “Қамолот” ЁИХ вакиллари,

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шаҳар ДСИ масъул ходимлари, бир қатор коллежларнинг талаба ва ўқитувчилари иштирок этди.

Адлия вазирлигининг “Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият” мавзуидаги ҳуқуқий саводхонлик ойлигини ўтказиш бўйича тузилган режасига биноан ташкил этилган мазкур тадбирда сўзга чиққанлар мустақил юртимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид барча қонуний асослар яратилганлиги, бу борадаги қонун ҳужжатлари, уларни ҳаётга татбиқ этиш аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқлиги ҳақида сўз юритдилар. Тадбирда мутахассислар йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Адлия вазирлигининг
Ҳуқуқий тарғибот ва
ҳуқуқий таълим бошқармаси

Дил изхори

Давлатинг доимо сен билан

ЭЙ, ФАРЗАНД! Сен учун ўз она Ватанинг, меҳрибон давлатинг нималар қилаётганлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисан? Кел, шу ҳақида бир мулоҳаза юритиб кўрайлик. Зеро, сен бирданига ўз-ўзидан улғаймагансан. Ўз-ўзидан мактаб, коллеж, лицей, университетни тугатиб, бирданига комил инсон ва бир касб, мулк ва давлат эгаси бўлиб қолмагансан.



БУНИНГ УЧУН ота-онанг, қариндошларинг, қўни-қўшининг, устозларинг, маҳалланг, мактабинг, қишлоқинг, туману шаҳринг, бординг, давлатинг ва унинг раҳбари Ўртабонинг туну кун ҳушёр туриб, бутун жисму жонини фидо қилиб, айнан сен учун, биргина сен учун не-не заҳматлар чекканлиги ҳақида ҳам ҳеч ўйлаганмисан? Айнан сенинг ҳуқуқларингни ҳимоялаш, қафолатлаш борасида давлат сиёсатини олиб бориш учун қатор-қатор ҳаракат дастурлари, бот-бот чора-тадбирлар, қарорлар ва қонунлар қабул қилинганлигини хабардормисан?

Кел, шулар ҳақида бир сўзлашиб, фикрлашиб кўрайлик.

Мана, сен дунёга келдинг. Сенинг бу дунёга келганингнинг биринчи гувоҳи бўлиб, тасдиқлаб, маълумотнома берган давлат идораси — бу туғуруқона эмасми? Маълумотнома асосида энди сени бу дунёда мавжуд эканлигини ва айнан ана шу ўзинг туғилган давлатга мансуб фуқаро эканлигини қонунан рўйхатга олиб, расмийлаштириб, сenga туғилганлик шаҳодатномасини берган идора ҳам давлат идораси — ФХД ҳақида биласанми?

Энди сен чакалоқ сифатида яшаш, таъминланиш, ғамхўрлик кўрсатиш каби ҳуқуқларга эгасан. Энди айнан мана шу шаҳодатнома асосида ўз маҳалланг, қишлоқинг, бординг, туманинг ҳудудидаги давлат идораси бўлган шифохонадан малакали тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эгасан.

Жисмонан ва ақлан яхши ривожланиб, улғайишнинг учун сен ясли, боғчага борасан, кейин саводинг чиқитиш, таълим ва тарбия олишнинг учун мактаб, коллеж ёки лицей сени ўз тарбиясига олади. Ҳа, айнан сен учун шинам ва қўлай биналар, замонавий ўқитиш технологиялари билан жиҳозланган, малакали ўқитувчи ва тарбиячилар билан таъминланган мактабинг сенинг ҳизматинга шай қилиб қўйган ҳам ана шу давлат эмасми?

Ҳаётингнинг бир кунда давлат хизмати улуши қанчалик экани ҳақида бир ўйлаб кўрганмисан? Агар ўйламаган бўлсанг, энди бир ўйлаб кўрайлик.

Сен тунда уйкуга кетдинг, тинч ва сокин уйкунинг посбони кимлар? Бу ҳам давлат эмасми? Тонгда уйкудан турганингда сен учун электр чироғи, тоза совуқ ва иссиқ сувни қафолатлаган, ошхонада газ ёниб туришини таъминлаб турган ҳам давлат эмасми? Ўзини, артини, дастурхон атрофида ўтириб, нонушта қила бошладинг. Дастурхон устидаги нон, чой, туҳум, пишлоқ, сут, шакар ва ҳоказо озиқ-овқатларнинг тозаллиги ва ароқчилиги ким қафолат беради? Бу ҳам давлат назоратида эмасми? Устингдаги кийим-кечаклар ҳам айнан бичими, модели, матоси давлат стандартига жавоб беришини ва айнан сенинг қадди-қоматингга шинам ўтиришини ҳам ким назорат қилади? Бу ҳам давлат ҳоки-

мияти назоратида, эй, азиз фарзанд. Ёки мактабга бориш учун йўлга чиқдинг. Автобус ёки таксига ўтирдиган. Бу каби транспорт воситаларининг ароқчилигини ким кўриқдан ўтказиб, йўлга чиқишига ихозат беради? Бу ҳам давлат эмасми?

16 ёшга тўлдинг. Сenga фуқаролик паспортини ким беради? Буни ҳам, сен яшайдиган туман ички ишлар бошқармаси, яъни давлатнинг паспорт идораси беради. Энди бу фуқаролик паспорти билан сен нафақат ўз давлатинг, она Ватанинг ҳудудида, балки дунёнинг исталган мамлакатига бўлишинг ва қаерда бўлма, ўз давлатинг ҳимояси остида эканлигини ҳам биласанми? Агар мана шу давлат фуқаролиги берилмаганди, унинг паспортига эга бўлмаганди, сен, аввало, шу давлат ҳудудида бир қандам ҳам ташқарига чиқа олмаслигини, бордини-чиқишга ҳаракат қилсанг ҳам бирон бир давлат фуқаролиги йўқ шахсни ўз ҳудудида киритмаслигини ҳам биласанми?

Эй, фарзанд! Инсон ўзи мансуб бўлган миллат ва давлатини нима учун қадрлашини энди тушуниб етган бўлсанг керак. Сenga ҳеч қандай камситишларсиз ва камқўстисиз яшаш, соғлом ўсиб-ўлғайиш, ривожланиш, таъминланиш, ҳимояланиш, таълим олиш, фан ва техника ютуқларидан эркин фойдаланиш, юртинг ичидида ташқарисидида эркин ҳаракатланиш, яшаш жойини танлаш, истасанг оламга парвоз қилиш каби ҳуқуқларни айнан ана шу мустақил она Ватанинг, Ўзбекистондек давлатинг қафолатлайди, холос. Шунинг учун унинг фуқароси эканлигиндан фойда ва ифтихор билан шу она Ватанга содиқ ва муносиб фарзанд бўлиш учун бот-ғайратингни, кучингни, керак бўлса, жонингни ҳам аямаслигинг керак. Бу сенинг бурчингдир.

Эй, фарзанд! Айни пайтда сенинг юқорида зикр қилинган ҳуқуқларинг давлати — Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигининг иккинчи йили — 1992 йили 9 декабрда қўшилган “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Конвенция”да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинб 2008 йили 8 январдан қучга кирган “Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги Қонуни ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Сенинг фаровон ва бахтли яшашинг учун 2007-2011 йилларга мўлжалланган “Болалар фаровонлигига бағишланган миллий ҳаракат режаси” ҳам амалга ошириб келинмоқда.

Эй, фарзанд! Сен ўз давлатингнинг бу каби савий-ҳаракатларини муносиб баҳолаб, унинг қадрига етиш ва бундай ғамхўрликларга муносиб бўлишинг ҳам фарз, ҳам қарзидир. Бу йўлда сenga омад ва бахт ёр бўлсин!

Қосимбой МАЪМУРОВ,
Республика юристлар малякани
ошириш маркази директори

ЖАҲОН миқёсида муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган асосий ҳужжатлардан бири — Адабий ва бадиий асарларни муҳофиза қилиш бўйича Берн конвенцияси ҳисобланади. Ўзбекистон ушбу конвенцияга 2004 йилда қўшилган бўлиб, 2005 йилнинг апрель ойида у қучга кирди. Конвенция универсал ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, аъзо давлатларда тўғридан-тўғри ёки унинг қондаларини соҳага оид миллий қонунчиликда акс эттириш орқали қўлланилади.

МАМЛАКАТИМИЗДА миллий қонун ҳужжатларини мазкур конвенция талабларига мослаштириш мақсадида 2006 йили Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши фан, адабиёт ва санъат соҳасида ижод қилувчи муаллифлар ва улар асарларининг давлат томонидан муҳофиза қилинишини таъминловчи, янгидан-янги асарлар яратиш имкониятини вужудга келтирувчи, меҳнат муносиб тақдирлинишига қўмаклашувчи тегишли шарт-шароитларни яратиб берди.

“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 январдаги “Муаллифлик ҳақи ва бошқа ҳақ тўлаш турлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 8-сонли ва 2008 йил 19 январдаги “Адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланганликнинг айрим турлари учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставка-

Муаллифлик ҳуқуқи

Интеллектуал мулк

уни қонуний ҳимоя қилиш асослари



лари тўғрисида”ги 10-сонли қарорлари қабул қилинган. Ушбу қарорлар муҳим қонунности ҳужжатлари бўлиб, улар амалда муаллифлар ва уларнинг ворислари мулкий ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда давлатимиз томонидан

муаллифлик ҳуқуқига оид халқаро мажбуриятларнинг самарали бажарилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги томонидан муаллифлик ҳуқуқи ва

лифларни излаш, рўйхатга олиш ва улар билан шартномалар тузиш, муаллифларга муаллифлик ҳақлари ўрнатилган тартибда тўлаб борилиши юзасидан фойдаланувчилар билан суҳбатлар ўтказиш, муаллифлар ари-

залирига кўра улар томонидан муаллифлик ҳақларини ўз вақтида ва тўла ҳажмида тўлаишини талаб қилиш, муаллифлик ҳуқуқлари бузилган ҳолларда муаллифлар номидан тегишли ташкилотларга мурожаатлар юбориш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни талабларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси доирасида тегишли ваколатли идоралар билан ўтказилган рейд ва текширувлар натижасида муаллифлик ҳуқуқи объектларидан

муаллифларнинг рухсати ёки розилигисиз фойдаланиш, қўпайтириш ва уларнинг ноқонуний савдоси билан шуғулланиш ҳолатлари аниқланиб, интеллектуал мулк объектларининг контрафакт нусхалари далилий аҳли сифатида олиб қўйилди ва суд қарорлари билан йўқ қилинди. 2010 йилда манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан қарийб 3000 та ана шундай тадбир ўтказилди.

23 апрель — Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқи кун бу йил ҳам кенг нишонланди. Муаллифлар билан учрашувлар, семинарлар ва бошқа қўлаб тадбирлар ташкиллаштирилди. Хусусан, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш принципларини, бу соҳада ҳуқуқий маданиятни ошириш, қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш тўғрисида тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб боришга қаратилган семинар ва давра суҳбатларини ўтказиш, контрафакт махсусотларни муомаласига қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг оммага етказиш каби тадбирлар ўтказилди.

Рустам ХУДОЙКУЛОВ,
Ўзбекистон
муаллифлик ҳуқуқини
ҳимоя қилиш
республика агентлиги
матбуот котиби

Маҳорат мактаби

Қўли гул мастуралар

Миллий ҳунармандчилик — аждодларимизнинг боқий мероси

НЕЧА замонлар оша сақланиб, сайқал топиб бизга етиб келган бебаҳо меросларимиздан бири миллий ҳунармандчилик санъати билан қанча фарҳансас арзийди. Қўли гул ҳалқамиз яратган Марғилон атласлари, Фарғона дўппилари, Самарқанд сўзаналяри-ю Бухоронинг зарчопонлари каби ўзига хос бетакдор санъат дурдоналари дунёни лол қолдирган, десак муболаға бўлмас. Айниқса, барча қадриятларимиз сингари истиклол шарофати билан қайта тикланиб, тобора ривожланиб бораётган миллий ҳунармандчилик санъати бугунги кунда фарзандларимиз қўлида давом этаётганлиги қувонарли ҳол. Давлатимиз

томонидан тадбиркорлик фаолиятига кўрсатилган эътибор йилдан йилга ошиб, унинг манфаатлари ҳимоясига қаратилган ҳуқуқий асослар яратилаётганлиги миллий ҳунармандларимиз, шу жумладан, чевар опа-сингилларимизни ҳам янада руҳлантириб юборди.

Хусусан, Бухоро аёлларининг тадбиркорлик фаолияти янада раванк толмоқда. Қўли гул аёлларимизнинг зардулик асарлари Қозғистон, Германия, Франция, Хитой, Малайзия каби давлатларда бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларда намойиш этилиб, энг юқори совириларга сазовор бўлди. Хозирда “Мохи хосса”, “Бухоро гули” каби масъулияти чекланган жамиятлар-

да иш юритаётган хотин-қизларнинг қўли қўлига тегайди. Чўки улар яратётган маҳсулот харидорлари кундан кунга ошиб, ҳатто хориқ мамлакатларидан ҳам буюртмалар келмоқда.

Яқинда Тошкентдаги Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмалар залида бўлиб ўтган “Қўли гулдир ўзбек аёли” кўргазма-савдосида бухоролик ишбилармон аёл Лафотат Худиева ҳам иштирок этди.

— Мамлакатимиздаги хотин-қизлар миллий ҳунармандчилик билан шуғулланиб, оила даромадига улуш қўшмоқдалар. Шу орқали турмушлари янада фаровон, дастурхонлари ҳаммиса тўкин бўлиш баробарида жамият-



да муносиб ўринга эга бўлмоқдалар. Менинг ҳам кичкина ишлаб чиқариш корхонамда йигирмага яқин аёл ўзларининг бўш вақтлари ва имкониятларидан қўлиб чиққан ҳолда меҳнат қиладилар. Биз камтарин меҳнатимиз орқали жамиятга, иқтисодиётимиз таракқиётига озгина бўлса ҳам ҳисса қўшаётганлигимиздан жуда хурсандим. Юртимизда аёлларга меҳнат қилиш, ўз маҳоратларини юзага чиқариш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бунинг учун давлатимиздан, Юртбо-

шимиздан миннатдоримиз. Хулоса қилиб айтганда, миллий ҳунармандчилигимиз раванки азалий қадриятларимиз барқарорлигини таъминлайди, фарзандларимиз қалбига миллий эфтихор тушунчаларини шакллантириб, меҳнатга иштиёқ, она Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини ўстиради.

Мўмин ХУСАИНОВ,
Бухоро шаҳар 1-сонли
давлат нотариал
идораси катта
нотариуси

Қонун барчага баробар

Хорижлик инвестор ҳуқуқи

қонуний ҳимоя қилинди

ДАВЛАТИМИЗ томонидан тадбиркорликка, шунингдек, хорижий инвесторларга ва уларнинг иштирокидаги корхоналар фаолиятига кенг йўл, шарт-шароит яратилган бир пайтда айрим мансб воқолатига эга бўлган шахслар томонидан тамажирлик қилинишида улар фаолиятига тўсқин бўлиш ҳолатлари кам бўлса-да учроб турибдики, бу ачинарли, албатта. Яқинда жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар суди ўз ҳуқуқи билан таъминлаш ва порахўрлик қилиш ҳолатига чек қўйди...

МАЪЛУМКИ, юртимизда тадбиркорлик фаолияти ҳимоясига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу ҳаёраи мустақиллигимизнинг илк давриданоқ бошланган. Яъни ҳусусий мулк, тадбиркорлик ҳақида тасаввур қилишимиз қийин бўлган бир даврда — 1992 йили Бош қомиссияда бу масалаларга эътибор қаратилгани қанчалик оқилона қарор бўлиганини бугунги кун кўрсатиб турибди. Бу тармоқ одамларимиз учун янги иш ўрни-ларини очиб, барқарор даромад манбаларини яратилиши энг муҳим омилларидан бирига айланган. Хозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиқ кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётгани ҳам шундан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қўлай шарт-шароитлар таъминини шакллантириш ва бу борада ортиқча маъмурий тўсқинларни бартараф қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани, ушбу йўналишда изчил сиёсат амалга оширилаётгани соҳа ривожини таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

“Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги (1998 йил 24 декабрь), “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида”ги (2000 йил 25 май), “Фаолиятини айрим турлари лицензиялаш тўғри-

тўғрисида”ги (2006 йил 24 май) қарорлари бу соҳада туб бурилишлар ясади.

Шунингдек, хорижий инвесторлар ва уларнинг мамлакатимиздаги фаолиятига тегишли бўлган қонунчилик базаси ҳам етарли даражада шакллантирилганки, ушбу қонун ҳужжатлари чет эллик инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда уларнинг эркин фаолият кўрсатишларини таъминлаш, фаолиятларидан олинган даромадларини ҳеч бир тўсқинсиз олиб чиқиб кетиш ёки қайта инвестициялаш ва бошқа қатор масалалар юзасидан қўлай шарт-шароитлар яратиб беради. Айнан шу мақсадда қабул қилинган “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги (1998 йил 20 май) ҳамда “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг қафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги (1998 йил 21 май) қонунлар, Президентимизнинг “Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлаштириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида”ги (1996 йил 30 ноябрь) Фармони амалда қўлланиб келинмоқда, булар мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришдек муҳим масалаларга кенг йўл очмоқда.

Жорий йилнинг “Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинган ҳамда бу борадаги Давлат дастури амалга жорий этилган, шунингдек, Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрдаги парламент палаталари қўшма мажлисида ўқиб эшиттирилган Конвенцияга мувофиқ қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси тадбиркорлик соҳасида ор-

тиқча бюрократик тўсқинларни бартараф этишни, қонунчиликда назарда тутилмаган рухсатномалар ва рухсатномалар бериш тартиб-қоидаларининг янги турларини жорий этишни таъкидлаш ҳамда мансб суиистеъмолчилигини келтириб чиқарувчи ҳолатларнинг олдини олишни назарда тутиши бу соҳа равжсини янада юқори поғонага кўтариши табиий, албатта.

Барчамиз яхши биламизки, аввало, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, қолверса, тадбиркорлик фаолиятининг давлат ҳимоясига олиниши нафақат мамлакатимиз фуқароларини ушбу соҳага кенг жалб этмоқда, балки хорижий инвестицияларни да Ўзбекистонга келиб иш юритишга қизиқтираётгани бор гап.

Туркиялик инвестор, “Hasek tekstil sanayi ve ticaret limited sirket” корхонаси вакили Хокон Азжи ўғли ҳам юртимизга ташриф буюриб, хориқ инвестицияси қиритиш ҳисобига тўйимчилик корхонаси очилишга ҳазм этди. Бунинг учун унга бино керак эди. Айнан шундай бўш бинони у Чирчиқ шаҳридан топди. “Электроник-мемонтэк” ОАЖнинг бўш ётган собик профилаторияси биноси унга маъқул келди ва тендерда қатнашиш учун барча ҳужжатларни тайёрлаб, тендер комиссиясига тақдим этди. Тендер натижаларига кўра, бино туркиялик бизнесменга бериладиган бўлди.

Бинони ҳужжатлаштириш ишлари Давлат мулк қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси орқали амалга оширилаётган бўлди. Бу ерда бўлиб бошлиқ бўлиб ишлаётган А.Раҳимов давлатимиз томонидан хориқлик инвесторларга имконият ашиқлари кенг очиб қўйилганлигини била туриб, ҳужжатлаштириш ишларини пайсалга сола бошлади. Хокон Азжи ўғлининг ўзбекизани яхши тушунаганидан, бу ҳам ет-

тиқча бюрократик тўсқинларни бартараф этишни, қонунчиликда назарда тутилмаган рухсатномалар ва рухсатномалар бериш тартиб-қоидаларининг янги турларини жорий этишни таъкидлаш ҳамда мансб суиистеъмолчилигини келтириб чиқарувчи ҳолатларнинг олдини олишни назарда тутиши бу соҳа равжсини янада юқори поғонага кўтариши табиий, албатта.

Барчамиз яхши биламизки, аввало, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, қолверса, тадбиркорлик фаолиятининг давлат ҳимоясига олиниши нафақат мамлакатимиз фуқароларини ушбу соҳага кенг жалб этмоқда, балки хорижий инвестицияларни да Ўзбекистонга келиб иш юритишга қизиқтираётгани бор гап.

Туркиялик инвестор, “Hasek tekstil sanayi ve ticaret limited sirket” корхонаси вакили Хокон Азжи ўғли ҳам юртимизга ташриф буюриб, хориқ инвестицияси қиритиш ҳисобига тўйимчилик корхонаси очилишга ҳазм этди. Бунинг учун унга бино керак эди. Айнан шундай бўш бинони у Чирчиқ шаҳридан топди. “Электроник-мемонтэк” ОАЖнинг бўш ётган собик профилаторияси биноси унга маъқул келди ва тендерда қатнашиш учун барча ҳужжатларни тайёрлаб, тендер комиссиясига тақдим этди. Тендер натижаларига кўра, бино туркиялик бизнесменга бериладиган бўлди.

Бинони ҳужжатлаштириш ишлари Давлат мулк қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси орқали амалга оширилаётган бўлди. Бу ерда бўлиб бошлиқ бўлиб ишлаётган А.Раҳимов давлатимиз томонидан хориқлик инвесторларга имконият ашиқлари кенг очиб қўйилганлигини била туриб, ҳужжатлаштириш ишларини пайсалга сола бошлади. Хокон Азжи ўғлининг ўзбекизани яхши тушунаганидан, бу ҳам ет-

маганидек Ўзбекистон қонунчилигидан беҳабарлигидан фойдаланиб, пул ишлаб қилиш йўлига ўтди. Турк тилини яхши тушунадиган таниши Н.Ёқубовни Хокон Азжи ўғли томонидан ташкил этилаётган “Besa tekstil” корхонасига ишга жойлаб, тамажирликнинг “олий қўриқларини”ни у орқали баҳара бошлади.

Туркиялик ишбилармон тўқимачилик корхонасини очиб унинг бир миллиард сўмдан ортиқ инвестиция қиритиб, ўзининг инвестициявий мажбуриятини тўлиқ бажарган бўлишига қарамай, унга давлат ордери берилмади. А.Раҳимов ишларни тезлатиш учун нақд 2,5 млн АҚШ доллари узатиши кераклигини Н.Ёқубов орқали Хокон Азжи ўғлига етказди. “Ўзбекистонда ордерга эга бўлиш осон иш эмас, бу ерда мушук бежорга офтобга чиқмайди” дея қайта-қайта шавма қилиб, ишбилармоннинг қўлқорларига “лағмон” осди. Бечора турк ишбилармони дастлаб 3,5 млн АҚШ доллари узатди. Икки ойдан кейин, яъни 2010 йил январда яна 7,5 млн доллар берди.

Шуниси қизиқки, корхона ордерини олиш учун Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасига ўзи боришига мажбур бўлди. У ерга бориб билишди, ҳужжатлар алмакдан тайёр бўлган, фақат олиб кетиш қолган экан. Шундан сўнг англаб етдики, у товланмаган тузюгига тушган экан. Дарҳол, ҳуқуқни муҳофиза қилиш идорасига мурожаат этди.

Жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар суди 2010 йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган очик суд мажлисида икки фарзанднинг отаси, 30 ёшли А.Раҳимов ва унинг “

МАЪНАВИЙ ва ҳуқуқий тарбия, аввало, оиладан бошланади. Тарафлар ўртасида ҳар томонлама ўйлаб, бир-бирларининг ижтимоий аҳволи, соғлиғидан хабардор бўлиб тузилган никоҳ оила мустақамлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу ўз навбатида, айниқса, никоҳ ёшидаги ёшларнинг шу йўналишдаги ҳуқуққа оид билимларини ўстиришга қаратилган тарғибот ишларини янада кучайтиришни тақозо этади.

АХОЛИНИНГ репродуктив саломатлигини мустақамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш, оилада эркаклар масъулияти, оила муқаддаслиги каби қадриятларни тушунтириш ва тарғиб этиш бора-сидаги ишларни янада кучайтириш мақсадида пойтахтимиздаги Олмазор туманида Махсус жамоатчилик кенгаши ташкил этилган. Мазкур кенгаш аъзолари ҳар ойда маҳалла оқсоқолларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, тумандаги оилавий поликлиникалар шифокорлари билан ҳамкорликда жойларда тарғибот ишларини олиб боришмоқда. Бунда эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, тиббий кўрикнинг аҳамияти тушунтирилиб, фақатгина шаръий никоҳ билан кифояланиб оила курган шахсларга қонуний никоҳнинг аҳамияти ҳақида батафсил тушунтиришлар берилаяпти.

Айтиш жоизки, соғлом авлод ғоясининг муҳим талабларидан бири бўлган миллат генотипини сақлаш, ногиронлик ҳамда ногирон фарзанд дунёга келишининг олдини олиш, уларни соғломлаштириш ус-тувор йўналишлардан бири саналади. Шу боис мамлакатимизда она ва бола сало-матлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш масалаларига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Мустақил-лик йилларида репродуктив саломатлик-ни муҳофаза қилиш, демографик ҳолатни яхшилашга қаратилган давлат дастурлари

амалиётга йўналтирилди. Ушбу дастурлар-нинг ҳаётга татбиқ этилиши ФХДЭ орган-ларига ҳам катта масъулият юклайди.

Хусусан, 2010 йил давомида 23 та тад-бир ташкил қилинган бўлиб, ушбу тад-

Мулоҳаза

лан тушунтириш ишлари олиб борилиб, кейин улар розилик билдириб ёзган аризаларига асосланган ҳолда никоҳлари қайд этилмоқда. Шу билан бирга тақдим қилинган тиббий маълумотномалар ҳар ойда таҳлил қилиб турилади.

Бу каби саъй-ҳаракатлар олиб борилишига қарамас-дан, кўп ҳолатларда фуқароларимиз томонидан қону-ларимизни яхши англаб етмаслик оқибатида фақатгина шаръий никоҳ билан оила қуриб яшаб келаётганлар

ҳам йўқ эмас. Улар бундай ҳолатда тиб-бий текширувсиз, бир-бирларининг соғли-ги ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмас-дан оила қуришмоқда. Бу билан улар ўзла-ри ва дунёга келажақ фарзандларининг билиб-билмай соғлигини хатарга қўйиша-ди.

Улар тиббий кўриқдан ўтказилганда ай-римларида бирор хасталик аломатлари борлиги аён бўлиб қолмоқда. Масалан, фуқаролар З. ва Г. 2010 йилда никоҳга кириш ҳақида ариза билан мурожаат қилишган. Уларга тегишли тиббий кўрик-

лиги, келиннинг ҳомиладорлиги боис, никоҳ қайд қилинган.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун диний идора ҳодимлари томонидан шаръий никоҳ ўқилишидан аввал, улар-нинг никоҳ гувоҳномаларини талаб қилиш-лари мақсадга мувофиқдир.

Ҳуқуқий тарғибот ишлари натижасида фақат шаръий никоҳ билан чекланиб оила курган шахслардан 2009 йилда 91 нафа-рининг, 2010 йилда 99 нафарининг ни-коҳ қонуний қайд этилди.

Кези келганда шунинг айтиш жоизки, уч-рашув ёки давра суҳбатлари дарсдан кей-ин олиб борилса-да, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларининг талаба-ларини ўз вақтида жалб этиш, баъзан ки-йинроқ бўлиб қолади. Ёки баъзан маъру-за пайтида уларнинг айримлари эснаб ўтирганига кўзингиз тушади. Албатта, ўқув-машғулотда уларнинг қизиқтирган савол-лари бериб, фаол иштирок этган талаба-лар талай эканини ҳам айтиш жоиз.

Балогатта етмаганлар никоҳга кириши-нинг олдини олиш, уларнинг соғлигини химоя қилиш, оилани қуриш учун маълум ҳаётий тажриба, жисмоний ва маънавий етуклик талаб қилиниши юзасидан маҳал-лаларда ва ўқув муассасаларида тарғибот ишлари амалга ошириляпти.

Маҳалла фаоллари ўз маҳалласида во-яга етган йигит ва қизларга эътиборлироқ бўлимоғи лозим. ФХДЭ бўлимига никоҳла-нувчи шахслар фотиҳа тўйини ўтказиб, тўй кунини белгилаб, кейин никоҳга кириш ҳақида ариза билан мурожаат қилишади. Ота-оналар билан биргаликда маҳалла фа-оллари бунга бефарқ бўлмасалар, жид-дий ёндашсалар, деймиз.

Самира САИД-ҒАЗИЕВА,
Олмазор тумани ФХДЭ
бўлими катта инспектори

Шошган... ота-оналар

расмий никоҳга бефарқ бўлманг

бирларнинг 11 таси тумандаги маҳалла фу-қаролари, 12 таси Олий ва ўрта-махсус таълим муассасалари талаба ва ўқувчила-ри иштирокида ўтказилган. Оммавий ах-борот воситалари орқали 8 та чиқиш қилинган.

Айни пайтда барча никоҳланувчи шах-сларга никоҳга кириш учун ариза берган кундан бошлаб, ҳар бирига алоҳида 5 та йўналиш бўйича кўрсатилган касалликлар юзасидан тиббий кўриқдан ўтишлари учун тегишли поликлиникаларга йўланмалар берилаяпти.

Дейлик, 2010 йилда ФХДЭ бўлими то-монидан берилган бундай йўланмалар асосидаги тиббий кўрик натижаларига кўра 52 та касаллик аниқланган. Никоҳланувчи шахслар, албатта, бир-бирларининг соғ-ликлари билан таништирилиб, улар би-



дан ўтишлари учун йўланма берилган. 2010 йилнинг 5 август кунини никоҳланувчи шахслар тиббий кўрик натижасини ва улар-нинг фарзандлари борлиги ҳақида ҳужжат тақдим этиб, никоҳларини шу куннинг ўзида қайд қилишни сўраган. Тиббий кўрик натижалари ўрганилганда, куёв диспансер-да ҳисобда туриши аниқланди. Лекин, уларнинг ўзаро розилиги, ўртада фарзан-ди борлиги боис, никоҳлари қайд қилин-ган.

Ёки 2010 йилда фуқаро Н. ва Ш.лар тиббий кўрик натижасини ва келиннинг ҳомиладорлиги ҳақида маълумотнома тақ-дим этиб, никоҳларини шу куннинг ўзида қайд қилишни сўраган. Тиббий кўрик на-тижалари ўрганилганда, куёв руҳий касал-ликлар диспансерида ҳисобда туриши аниқланган. Лекин, уларнинг ўзаро рози-

Савол-жавоб

Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар тўғрисида нималар биласиз?

— “ИНСОН ВА ҚОНУН” ҳуқуқий газетасида эълон қилинган хал-қаро миқёсдаги инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллар, омбудсман-лар, адвокатлар фаолиятига доир мақолалар бизда катта таассу-рот қолдирган. Агар БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий ко-миссари тўғрисида ҳам мақола чоп этилса, биз сингари халқаро ҳуқуқ ихлосмандларига жуда фойдали бўларди.

Нигора ЙЎЛЧИЕВА, Баҳорой ТОШЕВА,
Самарқанд вилояти

— БМТНИНГ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари тўғриси-даги резолюция 1994 йил 7 ян-варда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қабул қилинган. Бош Ассамблея БМТ Низомининг мақсад ва тамойилларига таян-ган ҳолда дини, irqи, этникиди, жинси, тили ва миллатидан қатъи назар, инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва рағбатлан-тиришни, инсон ҳуқуқлари бўйи-ча Умумжаҳон Декларацияси ҳамда бошқа халқаро ҳуқуқий ҳ-жатлардаги талабларни амалга оширишни кўзлаган ҳолда мазкур резолюцияни қабул қилган.

Олий комиссар БМТ Бош ко-тиби томонидан 4 йил муддатга тайинланиб, Бош Ассамблеяда тасдиқланади. Кейинчалик Олий комиссар муддати яна бир бор 4 йилга узайтирилиши мумкин. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий ко-миссар ўз лавозими бўйича БМТ Бош котибининг ўринбосари ла-возимига тенглаштирилади.

Олий комиссар — ўз фаолияти давомида инсоннинг фуқаролик, сиёсий, маданий, иқтисодий, иж-тимоий ҳуқуқлари ва эркинликла-рини химоя қилиш ва рағбатлан-тириш қоидадига амал қилади.

У амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар йили ўз ваколати

доирасида тегишли тартибда БМТнинг инсон ҳуқуқлари Кўми-тасига, Иқтисодий ва Ижтимо-ий Кенгаш ҳамда Бош Ассамб-леяга йиллик ҳисоботларни тақ-дим қилади. Олий комиссарнинг бошқарув қароргоҳи Женевада жойлашган бўлиб, Нью-Йоркда ўз алоқа бўлимига эга.

Унинг мунтазам равишда фа-олият олиб бориши ҳамда зим-масидаги кўрсатмалар ва вази-фаларни бажариши учун Бош котиб томонидан БМТ бюджетидан мунтазам равишда маблағ ажратилади.

Бирлашган Миллатлар Ташки-лоти 1968 йили Инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи Жаҳон конфе-ренциясини Техрон шаҳрида (Эрон) ўтказганди.

Ушбу конференция Мурожаат-номасида фуқаролар билан бир томондан, сиёсий ҳуқуқлар ҳамда иккинчи томондан, икти-содий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг ўзаро алоқаларига алоҳида урғу берилганди. Ора-дан йигирма йил ўтиб, 1993 йил-

да БМТ дунёда юз берган ўзга-ришларни қайд этиш, инсон ҳуқуқлари соҳасида мамлакат-ларни бирлаштириб турувчи уй-ғун жиҳатларни белгилаб олиш мақсадида Вена шаҳрида (Австрия) Инсон ҳуқуқлари бўйича ик-кинчи Жаҳон конференциясини чақирди.

Бош Ассамблея 1994 йилда қабул қилган резолюцияга муво-фиқ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар лавозими таш-кил этилди ва жаноб Хосе Айяла Лассо (Эквадор) биринчи Олий комиссар этиб тайинланди.

Олий комиссар инсон ҳуқуқла-ри соҳасига мансуб ҳар қандай муаммони кўриб чиқиш ва бутун дунёда инсон ҳуқуқлари бузи-лишларига чек қўйишга қаратил-ган амалий чора-тадбирларда фаол иштирок этиши учун шарт-шароитларга ҳамда кенг вако-латларга эга.

Саволга ТДЮИ магистри
Ақром ИСМАТУЛЛАЕВ
жавоб берди.

Лукма

ДАВЛАТИМИЗ навқирон авлодга бекиёс камхўрликлар кўрсатмоқда. Ай-ниқса, энг чекка қишлоқларда зомонавий коллежларнинг барпо этилиши ва ёшларга ҳунар ўргатилаётгани қувонарли ҳолдир. Ана шундай таълим муас-сасаларидан бири — Чирокчи туманидаги Шўрқудуқ транспорт коллежи 2007 йилда Шўрқудуқ қишлоқда барпо этилди. Муҳташам коллеж босинсинг қад ростлаши қишлоққа ўзгача кўрк ва фойз бохш этди. Биз яқинда коллеж-да бўлиб, бу ердаги шартларни, ўқитиш методикаси билан танишдик. Кол-леж директори Юсуф Қудратовни тушун қайфиятда кўриб, бироз ажаблан-дик, хонага кирганимиздан сўнг у муаммоларнинг энг муҳими ҳақида гап очди.

— ЎТГАН ЙИЛИ коллежни би-тирган ёшларга ҳайдовчилик гу-воҳномаси берилмади, — деди у куюниб. — “Транспортда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш” ҳамда “Транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш” йўналишлари бўйича битирган ёшларга ҳайдов-чилик гувоҳномаси берилиши ке-рак эди. Аммо виллоят ИИБга қарашли йўл ҳаракат хавфсизлик хизмати ҳодимлари ўқувчилари-миз амалий машғулотларда иш-тирок этмагани учун ҳақли равиш-да ҳайдовчилик гувоҳномаси бе-ришни таққиллади.

— Нега ўқувчиларингиз амалий

машғулотларда иштирок этишмади? — сўрайман раҳбардан.

— Бунинг асосий сабаби колле-жимиздаги ўқув ишлаб чиқариш ус-тахоналари зарур техника ва тех-нологиялар билан жиҳозланмаган-лигидир, — деди у.

Коллежда транспортда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш, транс-порт воситаларига техник хизмат кўрсатиш, тикувчилик, компьютер жиҳозларини созлаш ва ишлатиш йўналишлари бўйича 620 нафар ўқувчи таълим олмақда ва ҳунар ўрганаёпти. Аммо директор эъти-роф этганидек, ўқув ишлаб чиқа-риш устаноналари бўш турибди.

Эхтиром

БИЛИМ ДАРГОҲЛАРИ бағрини тўлдирган ўғил-қизлар муаллимларга до-имо меҳр қўядилар. Уларни нафақат билим берувчи устоз, балки ўзининг энг яқин кишиси, маслаҳатгўйи каби қадрлайдилар. Халқимиз азиздан у-стозларни эъзозлаб келган. Ота-оналар фарзандларининг камолоти, таъ-лим-тарбиясини шундай азиз инсонларга ишонилишида ҳикмат бордир.

ТОШКЕНТ давлат юридик ин-ститутини қосидаги академик лицей-да ўқувчиларнинг иқтидорини яна-да ўстириш, уларнинг илм-фан сир-ларини пухта эгаллашлари учун фидойийлик кўрсатаётган ҳаёт чар-боғларимиз куп. Тажрибали ўқитув-

чи Гулнора опа Рўзматова узок йил-лар мобайнида кўплаб заковатли, эл-юртга садоқатли, баркамол ёшларни тарбиялаб, ҳаётга йўлла-ган ана шундай севимли устозла-римиздан. Гулнора опа ёшлар учун билим пойдевори мустаҳкам бўли-

Устоз

ши нақадар муҳимлигини дилдан хис қилиб, ўғил-қизлар шуурини илм нури билан ёритишдан заъф туйган зиёли қалби инсон.

Тошкент давлат юридик институ-ти, мазкур институтнинг Тайёрлов таълим марказида ҳам Гулнора опа Рўзматовадан сабоқ олганлар, у-стознинг билимдон ва жонқурлиги, самимиети, ўз касбияга чинакам са-доқатли эканини айтишларди. Турли соҳаларда намунали фаолият юри-таётган шогирдларининг ютуқлари

устознинг ҳам чексиз қувончига ай-ланади. Берган сабоқларининг са-марасини кўриш бахтидан беҳад мамнун бўлади. Биз шогирдлар ҳам доимо азиз устозларимизга муно-сиб бўлиш, азгу амаллар қилиб, уларни ҳушнуд этишга интиламиз.

Зеро, устозларнинг маърифатли қалб зиёсидан олам нурафшон, ўғил-қизларнинг ҳаёт йўллари ча-роғон бўлади. Халқимиз эъзозла-ган бу улў инсонларга доимо таъ-зимдаимиз. Келажақ авлодга таълим-тарбия беришдек, гоята масъул ва шарафли ишлариди туганмас шижо-ат ва ютуқлар тилаймиз.

Бир гуруҳ шогирдлари

Адлия аралашгач...

Шартнома мажбурияти

бажарилиши шарт.

Қонуннинг талаби шундай

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 1995 йил 12 майдаги “Халқ ҳўжалигида ҳисоб-китоб-лар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш бораидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 1998 йил 4 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси субъект-ларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгар-лигини кучайтириш тўғрисида”ги фармон-лари ижроси юзасидан Тошкент шаҳор адлия бошқармаси томонидан “Ўзтемир-йўлқурилишмонтаж” унитар корхонаси-да ўтказилган ўрганиш давомида қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

ЖУМЛАДАН, “Ўзтемирйўлқурилишмонтаж” унитар корхонаси масъул мансаб-дор шахсларининг шартномавий муноса-батларга совуққонлик билан қараганлик-лари ҳамда шартнома мажбуриятлари ба-жарилмаганлиги оқибатида 2011 йилнинг 1 март ҳолатига тўлов муддати ўтган де-биторлик қарзлар 2.672.978.536 сўмини, кредиторлик қарзлар эса 5.941.191.435 сўмини ташкил қилган.

Масалан, “Ўзтемирйўлқурилишмонтаж” унитар корхонаси билан “Эркин имкон плюс” хусусий корхонаси ўртасида қури-лиш-монтаж ишларини бажариш бўйича 2009 йилнинг 28 октябрида 120.000.000 сўмлик, “Элтранстаймнот” масъулияти чекланган жамиятининг 2010 йилнинг 1 июнида вужудга келган 13.305.007 сўмлик, очик акциядорлик жамияти ша-клидаги “Тошэлектрощит” қўшма корхона-сининг 2010 йилнинг 1 июнида ҳосил бўлган 14.740.000 сўмлик, “ANTAN GROUP” масъулияти чекланган жамияти-нинг 2010 йилнинг 1 ноябрида вужудга келган 58.214.088 сўмлик, “Фаёз-Тепа-Термиз” масъулияти чекланган жамияти-нинг 2010 йилнинг 31 июлида вужудга келган 30.172.500 сўмлик ва “Камалов З.Н.” хусусий корхонасининг 2010 йил-нинг 1 июнида вужудга келган 27.000.000 сўмлик муддати ўтган дебиторлик қарз-лари мавжуд бўлса-да, корхона масъул мансабдор шахслари томонидан ушбу му-ддат ўтган дебиторлик қарзларни унди-ришнинг қонуний чоралари кўрилмаган.

“Ўзтемирйўлқурилишмонтаж” унитар корхонасига нисбатан шартнома мажбу-риятлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарларни ундириш тўғри-сида ҳўжалик судларига киритилган даъ-во аризалари бўйича ҳал қилув қарорла-ри ўрганилганда ҳўжалик судларининг 12 та ҳал қилув қарорига асосан 191.358.738 сўмлик устима тўлов ва 4.370.333 сўм давлат божини “Ўзтемирйўлқурилишмонтаж” унитар корхонасидан ундириш юза-сидан суднинг ҳал қилув қарорлари чи-қарилиб, 195.729.071 сўмлик устима тўловлар ундирилган.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг ҳал қилув қарорларининг ижроси таъминла-ниб, яқка тартибдаги тадбиркор Ш.Теми-ров фойдасига 11.964.435 сўм, “Kamalak-ABM” масъулияти чекланган жамияти фой-дасига 6.588.690 сўм микдоридagi уста-ма тўловлар “Ўзтемирйўлқурилишмонтаж” унитар корхонаси ҳисобидан тўлиқ унди-рилган.

Зафар ОЛИМОВ,
Тошкент шаҳар адлия
бошқармаси бўлим бошлиғи

Хусусий мулк — дахлсиз

МАМЛАКАТИМИЗ мустақилликка эришгандан буён ўтган 20 йиллик вақт ичида асрларга татигулик ютуқ-ларга эришдик ва уларнинг барча-сига Бош қомусимиз мустаҳкам пой-девор бўлди.

ДАРҲАҚИҚАТ, Бош қомусимиз асо-сида яратилган қонунлар, қабул қилинган Фармон ва қарорлар ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликла-рини таъминлаш ҳамда химоя қилиш-нинг қонуний механизми барпо этил-ди. Жамият ҳаётининг барча жабҳа-ларида узокни кўзлаб бошланган чу-қур ислохотлар амалга оширилди ва давом этмоқда. Хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари каби дахлсиз-лиги ва давлат химояси билан таъ-минлангани фуқароларнинг иқтисодий соҳада ҳам фаоллигини оширди.

Тажрибалар шунини кўрсатмоқдаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-лик жаҳон молиявий-иқтисодий ин-қирозининг салбий оқибатларини бартараф этишда энг самарали во-сита, аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг даромадлари ошиб бориши-нинг гоят муҳим омилдир. Давлати-миз раҳбари 2011 йилни мамлақати-мизда “Кичик бизнес ва хусусий тад-биркорлик йили” деб эълон қилиб, қуйидагиларга эътиборни қаратди. “Мустақиллик йилларидаги тарақ-қиётимиз мисолида шунини ҳеч ик-киланмасдан айтиш мумкинки, бу соҳани ривожлантирмасдан, унга тегишли қўмак ва рағбат бермас-дан, зарур имконият, имтиёз ва преференциялар яратмасдан тури-б, биз иқтисодиётимизнинг кела-жагини таъминлай олмаймиз.

Ички бозоримизни рақобатбар-дош ва сифатли маҳсулотлар бил-лан тўлдиришда, бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалардан бири бўлиши аҳолиимизни, авва-ламбор, ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаро-вонлигининг ошиб боришига эри-шишда айни шу соҳани тез ва жа-дал суръатлар билан ривожланти-риш асосий омиллардан бири экани-ни ҳеч унутмаслигимиз даркор”.

Конституцияимизда бозор муноса-батларини ривожлантиришга қара-тилган иқтисодиётнинг негизини хил-ма-хил шакллардаги мулк ташкил эти-ши ва улар тенг ҳуқуқли ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза эти-лиши кафолатланган. Шунингдек, дав-латимизнинг сиёсий-ижтимоий қури-лишини белгилашда биринчи навбат-да мулк ва мулкрий муносабатлар ҳақидаги долзарб масала Ўртбоши-мизнинг ҳамиша диққат марказида бўлиб келди. Ўтган йиллар давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-лик мамлакатимиз тараққиёти ҳамда халқимиз фаровонлигини янада юк-салтиришда етакчи кучга айланиши учун мустаҳкам база яратилди.

Феруза УСМОНОВА,
Нурилло АББОСОВ,
Наманган шаҳар 3-сон давлат
нотариал идораси нотариуслари

ГАЗЕТАНИНГ 12 апрель сонидида чоп этилган "Билмагани билишга интилиш цивилизация ривожини тезлатиши" сарлавхали биринчи мақолада таъкидланганидек, 1971 йилда парвоз қилган "Салют-1" орбита станциясининг самоданил бор узок муддат учганлиги вақти келиб Халқаро космик станция яратилишига маълум маънода асос бўлди. Дарҳақиқат, ўша пайтда чиқарилган хулосалар самараси ўлароқ, 1998 йил 29 январда кишилик жамияти тарихида энг оламшумул иш — коинотни ўзлаштириш халқаро лойиҳасининг ҳуқуқий асоси яратилди: 15 та давлат иштирокида

рилиб, 2006 йил баҳорда сайёрага кўнган "Mars Reconnaissance Orbiter" (NASA томонидан учирилган) фазовий зондлари сайёрани яқиндан ўрганиш имконини берди, эндиликда сайёрага инсон парвозини амалга ошириш устида тажриба-синов ва илмий тадқиқот ишлари қизғин олиб боришмоқда.

Агар Марсга фазогирлар экспедицияси парвоз этадиган бўлса (бу оламшумул воқеа 2030 йилларда амалга ошиши мумкин) бир ярим йил давомидида учинишга тўғри келади. Ҳозирча инсоннинг самоданил бор узок муддат бўлиши 803 кечакундузга чўзилган. Бундай ша-

1967 йил 27 январда Америка астронавти Ойга парвоз этиш учун "Аполлон" фазовий кемасида тайёргарлик кўраётган пайтда электр учқунидан чиққан ёнғин оқибатида фазогирлар В.Гриссом, Э.Уайт, Р.Чарффи ҳаётдан кўз юмган. Бу йўқотиш 2005 йилда биринчи бор расмий эълон қилинган. 1967 йил 24 апрель. "Союз-1" фазо кемаси Ерга қайтаётган ҳалокатга учраган. Фазогир В.Комаров нобуд бўлган. 1970 йил 14 апрель. Американинг "Аполлон-13" кемаси Ойга парвоз этишга, тўртинчи кун астронавтар Д.Ловелл, Д.Смиджер, Ф.Хейсларнинг кислород баклари ёрилиб кетади, двигателъ

юзага келган парчаларини қўшиб ҳисоблаганда 15 минг 55 та сунъий объект учиб юрибди. Уларнинг 3 минг 333 таси айни дамда фаолият кўрсатаётган ва ишдан чиққан сунъий йўлдошлар ва уларнинг бўлаклари бўлса, 12 минг 217 таси коинотта сунъий йўлдошларни, космонавтарни ва бошқа юкларни олиб чиққан ракетаалар бўлаклари ташкил этади. Россиянинг "Роскосмос" агентлиги матбуот хизмати тарқатган маълумотларга кўра, самовий кенгликлардаги бундай ҳолат юзага келишига "ҳисса" қўйиш бўйича Хитой биринчи ўринда тураркан. Яъни ҳисоб-китобларга кўра, космик "чиқинди"ларнинг 40 фоизи Хитойга тегишли бўлса, 27,5 фоизи АҚШ, 25,5 фоизи Россия, 7 фоизи эса коинотни ўзлаштириш дастурида иштирок этаётган Европа космик агентлиги ҳамда Ҳиндистон ва Япония сингари давлатлар ҳиссасига тўғри келаркан.

— Бугунги кунда инсон фаолияти самовий кенгликларда ҳам хавф-хатарлар кучайиши юзага келтирмоқда, — дейди хорижлик физиклардан бири. — Коинотда ракета бўлаклари кўпайгандан кўпайиб бормоқдаки, бу ерликларга хавф тудирмай қолмайди. 10 сантиметрдан сал катта ҳажмдаги бундай бўлақлар жуда кўп бўлиб, улар сониясига 10 метр тезликда учиб юрибди.

Астрономларнинг айтишларича, Ердан 36 минг километр юқорида геостационар орбитада ҳам аҳвол яхшимас. Бу қатламдаги аллоҳ ва телевидение сунъий йўлдошларининг сони ҳозир мингдан орттиб кетди. Ачинарлиси шуки, уларнинг фақат 400 тасигина фаолият кўрсатмоқда.

Улар Ердан учирилган ракетаалар парвозига ҳалақат бермоқда, тўқнашиб кетиш хавфини кучайтирмоқда. Шу боис ҳам олимлар космик чиқиндиларни йиғиштириб олиш, яъни самовий кенгликларда кенг миқёсда тозалов ишларини қандай амалга ошириш масаласи устида бош қотирмоқдалар. Шу билан бирга ўзга оламларга қизиқиш бир баҳя бўлса-да, су-саймаган. Бунини ривожланган давлатларда тузилаётган режалар, лойиҳалар тасдиқлайди. Бугунги кунда 30 дан орттиқ мамлакат коинотни тадқиқ қилиш бўйича ўз дастурига эга, 20 га яқин давлатнинг космик кема яратиш учун илмий-амалий базаси мавжуд. 150 га яқин мамлакат ўзининг алоҳида самовий технологиясига эгалик қилмоқда.

Статистик маълумотларда қайд этилишича, айни замонда фақат АҚШ, Россия ва Хитойгина космик кема учуриш қудратига эга. 1957 йилдан бери коинотга учирилган 5500 та самовий аппаратнинг 10 фоизигина фазогирлар иштирокида парвоз этган. Умумий парвозларнинг 60 фоизи Россия, 39 фоизи АҚШ, 1 фоизга яқини Хитой зиммасига тўғри келади. Шу кунгача 35 та мамлакатдан 464 фазогир коинотга учган. Улар орасида ўзбекистонлик фазогир Владимир Жоников ва ўшлик ўзбек фазогери Солижон Шариповларнинг ҳам борлиги юртдошларимизни гурурлантириши табиий.

Умуман, Ўзбекистонда само кенгликлари, ўзга галактика ва юлдузларни тадқиқ қилиш қадимдан ривожланган. Мирзо Улуғбек бобомиз 1018 та юлдузнинг ўрнини фазовий зондлар у ёқда турсин, хатто теле-скоплар иxtири қилинмасидан аввал ўзи бунёд этган обсерватория ёрдамида тўлиқ ва аниқ тадқиқ этган. Бугун дунёда кибернетик тафаккур шиддат билан ривожланишига, қолдирган илмий ишланмалар ҳам асос бўлаётгани бор гап. Само кенгликларда 4 та кичик сайёра — "Ўзбекистония", "Авиценна" (Ибн Сино), "Беруний" ва "Ал-Хоразмий" номи билан юртилаётгани ҳам бу юртнинг илм-фан, техник-технологик салоҳияти нечоғли улуғлигини далиллайди. Утган йили эса ЎзРФА Улуғбек номидаги Астрономия институтининг ёш олимлари томонидан яна бир янги кичик сайёра кашф қилиндики, бу кашфиёт ҳам дунё олимлари томонидан эътироф этилиб, Президентимиз тақдирига кўра, унга "Самарқанд" номи берилди. Бугунги кунда давлатимиз томонидан юртимизда яратилаётган маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлар нафақат астрономия, ёки бошқа бирор бир соҳа, балки барча тармоқлар ривожини бардавом қилверади.

Кўриниб турибдики, самовий тадқиқотларга интилиш хавф-хатардан холи эмас. Бугунги кунда бу хавф-хатар янада кучайиб кетди. Космик кенгликларда, аниқроғи, Ердан 700-800 километр ва 36 минг километр баландликда — Ер орбитасида умумий ҳисобда сунъий объект ва уларнинг фазовий жисмлар билан тўқнашуви натижасида

Алимкул СУЛТОНОВ

Турмуш чорраҳалари

Элли қизми ёки сепли қизми?

Келинликка қай бирини танлаган маъқул!

ҲАР БИР ота-она фарзандининг бахтли бўлишини истайди ва ўз дунёқарашлари билан ўғил-қизларига "бахт қошонаси"ни қуришига интилади. Мустақил ҳаёт оstonасида турган ёшларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини янада юксалтириш, жисмоний ва руҳий қамолотини ривожлантириш, уларнинг онгига меҳнатсеварлик, тежамкорлик ва тадбиркорлик кўникмаларини сингдириш оилавий бахт гаровидир. Афсуски, айрим ота-оналар фарзандлари бахтини бойлик, молу дунё билангина ўлчайдилар.

...НАВБАТДАГИ "хотинлар гапи"га Малоҳатхон кечикиб келди. Даврада ўтирган аёлларнинг ҳар бири билан узундан узок салом-алик қилгач, ярим кибр, ярим узр оҳангига кечикишининг сабабига изох берди: — Чорсудаги меҳмон дўконига Туркиядан янги мол келган экан. Барчаси асл, тоза ёғочдан ишланган, кўрган кўзини ўйнатади. Дадаси билан бориб, бирваракайига меҳмонхона ва ётоқ жихозларини сотиб олдик.

— Вой, дугонажон, қуллук бўлсин, тўй яқинми, дейман.

— Йўғ-а, қизимиз ҳали ўн олтига тўлгани йўқ. Лекин сарпо-суруқларининг ҳаммасини кам-кўстисиз тайёрлаб қўйганимиз. Утган йили беш минг долларга ётоқ жихозини олгандик. Энди ранги қизимга ёқмай қолди. Шунинг учун янгисини олдик. Фарзандингиз бахти учун ҳеч нарсани аямас экансиз. Яқинда ўнта-ўн бешта

асл Эрон гиламларини ҳам хориждан буюртма қилиб келтирдик...

Малоҳат оғзи қуришиб, олдидаги чойдан ҳўплади. Сўнгра ўтирганларни оғзига қаратиб, келин сарпога олган чинни идишлари, куёв сарпоси, кўрпа-тўшагю, тилла тақинчоқларини таърифлай кетди.

Бошқа аёллар ҳам ундан кам эмасликларини кўрсатиш учун сўзини сўзга, гапини гапга улаб кетишди. Фақатгина Латофат опа дугоналарининг сўзларини жимгина эшитиб ўтирарди. Ён қўшниси уни суҳбатга тортди:

— Жуда камтарсиз-да, овсинжон. Кечаги газетада қизингиз Назокат ҳақида мақолани ўқидим. "Истеъдод соҳиблари" кўрик-танловиди иштирок этиб, каштачилик бўйича биринчи ўринни эгаллабди. Ёш бўлса ҳам қўли гул чевар, ҳалитдан маҳалладаги ўзи тенги қизларга истаган

бичимида қўйлақ тикиб бераётган экан.

— Бир оғиз айтмайсиз-а, чевар ўзимиздан экан-ку. Кичкина қизимга боғча опаси байрам либоси тайинлабди. Тикувчи қидираётган эдим.


— Мен Назокатни уста қандолатчи десам, чевар ҳам экан-да. Утган ҳафта меҳмонларим учун тайёрлаб берган пишириқларининг мазаси ҳануз оғзимда.

Аёллар бири қўйиб, бири олиб Назокатнинг меҳнатсеварлиги, озодаллиги ва ҳунармандлигини мақтаб кетишди. Суҳбат жилови энди Латофат опанинг қўлига ўтди. У аёллар учун муҳим фазилатлар, қизларни мустақил ҳаётга, янги оилага тайёрлаш, кундалик турмушда зарур бўлган билим ва ҳунарлар ҳақида оҳиста сўзлай кетди. Даврадаги аёлларнинг барчаси дугоналарининг гапини жон қулоғи билан тинглашди, фойдали маълумотлар олишди. Малоҳатхон ҳам "хотинлар гапи"дан ўзига тегишли хулоса чиқариб олган бўлса ажабмас.

Дилором БОЙЖОНОВА,
Янгийўл тумани 2-сонли
ФХДБ бўлими мудир

Коинот ва биз

Ер-ку майли, осмонни ҳам "ўрганмоқда" одамзот



Халқаро космик станция (ХКС) тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланди. 2000 йил октябрдан эса учта модулдан иборат ХКС само бағрида ўз фаолиятини бошлади. Дастлаб унда уч фазогир (2 нафари россиялик, 1 нафари Американинг NASA космик агентлиги фазогери) фаолият олиб борган бўлса, кейинчалик Канада, Европа, Япония, Малайзия, ЖАР, Бразилия ва Жанубий Корея сингари 15 та давлатнинг 200 га яқин фазогери Россия ва АҚШ бўғимларидан иборат ХКСда бўлиб, бир қанча илмий тажрибалар ўтказишди. ХКСнинг Россия бўғимидан шу пайтгача 30 дан орттиқ илмий дастур амалга оширилган.

Таъкидлаш жоизки, Россия бўғимида тўлақонли тажрибалар 2014 йилдан бошланади. Ўшанда орбитага Россиянинг "НЭН-1" ва "НЭН-2" илмий энергетик модуллари олиб чиқилади. Шунда Россиянинг ХКСдаги бўғими 9 та модулдан иборат бўлади.

Дарвоқе, дастлабки режага кўра, ХКС ўз фаолиятини 2010 йилда тугатиши лозим эди. Аммо халқаро шериклар унинг фаолиятини 2020 йилгача узайтириш ҳақида ўзаро келишиб олдилар.

Келажақда ХКС нафақат илмий лаборатория, балки сайёралараро парвоз қилувчи орбита кемалари йиғилган базавазифасини ҳам бажаради.

Яна шуни қўшимча қилиш жоизки, тижорат йўли билан, яъни маблагъ аёзига парвозлар ҳам йўлга қўйилган. Шу кунгача тижорат йўли билан само бағрида бўлиб қайтганлар сони 6 кишига етди.

1971 йили яна бир илк тажрибага қўл урилдики, бу ҳам бугунги кунда ўз мевасини бермоқда. 1971 йил 27 ноябрда худди Ойдаги сингари "Қизил сайёра"га — Марсга "Марс-2" зонди учирилган. Бироқ электрон ҳисоблаш машинасида юз берган хатолик туфайли у Марс юзасига қўнолмаган. 5 кундан кейин янги "Марс-3" зонди сайёрага қўнган.

Айни пайтда эса Марсда 3 та зонд қузатув-тадқиқот ишларини давом эттирмоқда. 2004 йил бошларида сайёрага етиб борган "Spirit" ҳамда "Opportunity" ва 2005 йил учи-

рафга россиялик космонавт Сергей Крикалев мушарраф бўлган.

Фазовий зондлар шу пайтгача сайёралар ҳақида билганларимизни бойитгандан бойитиб бормоқда. Чунинчи, 1998 йилгача Сатурнда 10 та йўлдош бор, деб юрардик. 2002 йилга келиб бу ҳақда билганларимиз янада мукамаллашди. Яъни, ўша йили нашрдан чиққан, 9-синф учун мўлжалланган "Физика" дарслигида Сатурн йўлдошлари 18 та эканлиги қайд қилинган. Эндиликда бу илмий манбалар ҳам бироз эскирди. Негаки, бугунги кашфиётлар ердаги телескоплар ёрдамида эмас, балки сайёралар томон учирилган зондлар кўмағида амалга оширилиб, янги фактлар билан бойитилмоқда. Айни замонда Сатурн "Cassini" (2004 йили Сатурн орбитасига етиб борган) ва "Huygens" фазовий зонди (2005 йили сайёранинг "Титан" йўлдоши юзасига қўнган) орқали тадқиқ қилинмоқда. Уларнинг ёрдамида Сатурн йўлдошлари 47 та эканлиги аниқланди.

Умуман, ҳозирги кунда Қуёш тизими таркибидagi сайёраларга космик аппарат учирилмаган сайёра қолмади ҳисоб. Плутонгина Ернинг сунъий йўлдоши етиб бормаган бирдан-бир ягона сайёрадир. 2006 йил январда "Янги ўқлар" дея номланган халқаро лойиҳа асосида унга ҳам зонд учирилди. Сайёра Ерга яқинлаша бошлагани учун ҳам бу лойиҳани амалга ошириш тезлаштирилди. Акс ҳолда 6 миллиард километр узоқликда жойлашган бу сайёрага ўн йиллаб музли вакуум шароитида учинишга тўғри келарди (Плутоннинг Ерга кейинги яқинлашиши 230 йилдан кейин содир бўлади). Энди эса зонднинг манзилга етиб бориши 5 йилга қисқаради, яъни 2015 йилда Плутонга етиб боради ва ўшанда бу сайёра ҳақидаги тасаввурларимиз ҳам ўзгаради.

Коинотга парвозлар ҳар доим ҳам муваффақиятли амалга ошавермаган. Афсуски, тарих саҳифаларида бундай ҳолатлар анчагина. Хусусан, 1961 йил 23 март кунини ердаги сурдокамерада чиққан ёнғин оқибатида сойиб иттифоқ фазогери Валентин Бондаренко ҳалок бўлган. Бу ҳалокат ҳақида ҳеч нарсга эълон қилинмаган.

моламасига шикаст етади. Тасодиф туфайли фазогирлар омон қолмади. 1971 йил 30 июнь. "Салют-1" биринчи орбита станцияси Ерга қайтаётган, кема кабинасининг герметик ҳолати бузилиши оқибатида фазогирлар Г.Добровольский, В.Волков ва В.Пацавлар ҳалок бўлишган. 1975 йил 5 апрель. "Союз" ракетасининг учинчи бўлмаси ишдан чиқиши натижасида кема Олтой тоғлари устига қўлайди. Фазогирлар В.Лазарев ва О.Макаровлар тасодиф туфайли тирик қолишади. Ўша йилнинг ёзида эса сойиб иттифоқ ва Америка ҳамкорлигида учирилган, сўнг фазода туташтирилган "Союз" — "Аполлон" ракетаалари Ерга қайтаётган, экипаж аъзолари зўрға тирик қолган. Экипаж командири Т.Стаффорд кислородли ниқоблар тарқатишга улгургани боис экипаж Ерга тирик қайтиш бахтига мушарраф бўлган. 1983 йил 26 сентябрь. Сойиб иттифоқ ракетаси парвозга старт олаётганда қутлимгадан ҳалокатдан қутқарув тизими ишлаб кетади ва фазогирлар В.Титов ҳамда Г.Стрекаловларни автоматик катапультла ташқарига улоқтиргани боис тирик қолишади. Негаки, 2 сониядан кейин ракета портлаб кетган. 1986 йил 28 январь. АҚШнинг кўп бор қўлланилган "Challenger" ракетаси Ердан кўтарилаётган 75 сониядан сўнг портлаб кетган. 7 нафар экипаж аъзоси ҳалок бўлган. 1999 йил 23 июль. АҚШнинг "Columbia" космик кемаси старт олгач, 5 сония ўтиб-ўтмай қисқа туташув боис электрон бошқарув блоки ишдан чиқади. Кеманинг аёл командири Айлен Коллинз экипажни муқаррар ўлимдан асраб қолган. 2003 йил 1 февраль. Американинг энг эски шаттли — "Columbia" Ерга қўнаётган портлаб кетди. Экипаж аъзолари (улар 7 киши эди), жумладан, Исроилнинг биринчи астронавти Алан Рамон ҳам ҳалок бўлди.

Кўриниб турибдики, самовий тадқиқотларга интилиш хавф-хатардан холи эмас. Бугунги кунда бу хавф-хатар янада кучайиб кетди. Космик кенгликларда, аниқроғи, Ердан 700-800 километр ва 36 минг километр баландликда — Ер орбитасида умумий ҳисобда сунъий объект ва уларнинг фазовий жисмлар билан тўқнашуви натижасида

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИСА:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРАЛИГИ

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва Аxbорот
агентлиги

0061-рақам билан
руйхатга олинган

Бош
муҳаррир:
Кўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафоев Бўритош Мустафоевич
Ражабова Мавжуда Абдулҳалимович
Раҳмонов Абдуқомол Шодиевич
Султонов Алимкул Тожбекович
Тураев Тўра Эргашевич
Самдос Шокир Камолович
Хамроев Исроил Ҳамзаевич

Навбатчи:
Ёрбек
ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-
дизайнер:
Тўлқин
РАУПОВ

Индекс: 646882

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа иқодий уйида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма j-1612. Тиражи — 20788. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 19.00 — тижорат мақола.

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш.
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-ig.uz
Сотувда эркин нархда

1 2 3 4 5